2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 142 (931), 2023 йил 19 июль, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЖИДДАГА КЕЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Икки муқаддас масжид ходими — Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг таклифига биноан амалий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.**

Жидда шаҳрининг халқаро аэропортида мамлакатимиз етакчисини Макка минтақаси ҳокими ўринбосари шаҳзода Бадр бин Султон Ол Сауд ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Саммитнинг асосий тадбирлари — “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” форматидаги давлат раҳбарлари йиғилиши ҳамда икки томонлама музокаралар 19 июль куни бўлиб ўтади.

Кун тартибига мувофиқ, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳаларда минтақалараро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади.

**ЎзА**

### БИЗ ВА ДУНЁ

## КЎП ҚИРРАЛИ ИСЛОҲОТЛАР, ОЧИҚ ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ҚАТЪИЙ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ТУФАЙЛИ ЎЗБЕКИСТОНГА ҚИЗИҚИШ ОРТИБ БОРМОҚДА

**САУДИЯ АРАБИСТОНИНИНГ ЕТАКЧИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА КЕЧАЁТГАН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАР ҲАҚИДА**

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очилди. Икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқалар, мунтазамлик касб этаётган учрашувлар, самимий мулоқотлар ўзаро ҳамкорлик ривожига туртки бермоқда.

Ўтган йилнинг 17-18 август кунлари давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Саудия Арабистонига ташрифи икки давлат ҳамкорлигини бундан буён ҳам халқлар фаровонлиги йўлида чуқурлаштиришнинг энг ишончли гарови бўлди.

Давоми 2-бетда



### МУНОСАБАТ

## ИСТАК, ИРОДА ВА ТАСКИН

### Янги ғоя ва ташаббуслар ижроси билан мукаммал бўлади

**Янги Ўзбекистон олдига қўйган мақсадлар замиридаги энг улуғ ғоя — инсон қадри устуворлиги. 2023 йил ана шу эзгу мақсадга эришишда туб бурилиш даври бўлмоқда. Янгиланган Конституциямиз қабул қилингани, унга асосан илк йирик сиёсий тадбир — муддатидан илгари Президент сайлови ўтказилгани фикримиз тасдиғи.**

Давоми 2-бетда

### БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

## ҲАРАКАТ, ИШОНЧ ВА ҒОЛИБЛИК РУҲИ



**Бугун мамлакатимиз дунё билан бўйлашмоқда. Янги Ўзбекистон — халқаро доирадаги нуфузли сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа тузилмаларнинг фаол иштирокчиси, шу билан бирга, тараққиётга хизмат қилувчи кўплаб ташаббусларни илгари сураётган давлат. Дунё миқёсида ўз ўрни ва аҳамиятига эга мамлакатда бўлаётган ҳар қандай ўзгариш сиёсий жамиятни, халқаро ташкилотларни қизиқтирмасдан қолмайди, албатта. Бунга жорий йил 9 июлдаги муҳим сиёсий тадбир — муддатидан илгари ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови яққол мисол бўла олади.**

Давоми 3-бетда

### ШУКУХ

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ МАРРАЛАРГА ИНТИЛМОҚДА

**Шу йилнинг 14 июль санаси мамлакатимиз тараққиётида юксак босқич бошланган кун сифатида тарихга муҳрланди. Зеро, 9 июль куни бўлиб ўтган Президент сайловида 87,05 фоиз овоз билан халқимиз ишончи ва меҳрига сазовор бўлган Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида ўз лавозимига киришиш олдидан тантанали қасамёд қабул қилди.**



Мазкур маросимда давлатимиз раҳбари нутқ сўзлади.

**“...Бугун елкамга қандай улуғвор масъулият олаётганимни, Ватанимиз мустақиллиги, 36 миллиондан зиёд азиз халқимнинг тинчлиги ва фаровонлиги учун шахсан жавобгар эканимни юрак-юрагимдан ҳис этиб турибман. Мана шундай юксак ишонч учун, ҳурмат ва эътибор учун кўпмиллатли, мард ва донишманд халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан таъзим қиламан”,** деди жумладан.

Давоми 2-бетда

### КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИ

## МАЪРИФАТПАРВАР БОБОЛАРГА МУНОСИБ ИЗДОШЛАР

**“Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида бугунги кунда хорижда таҳсил олаётган ва айни дамда таътил сабабли юртимизда бўлиб турган стипендиатлар учун махсус ўқув-семинар ташкил этилди.**

Давоми 5-бетда

### ТАЪЛИМ

## ИЛМИЙ САЛОҲИЯТНИ ЕТУК КАДРЛАР ЯРАТАДИ



**Олий таълим тизимида чуқур ислоҳотларнинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққий этишини янги босқичга олиб чиқишда муҳим ҳисобланади. Ушбу ислоҳотлар жараёнида олий таълим муассасаларининг замон талабларига мос жиҳозланиши, таълим сифатини оширишга қаратилган жаҳон тажрибасини татбиқ этиш давр талабига айланган.**

Давоми 5-бетда

### БУГУННИНГ ГАПИ



## СУВ ТЕЖАМКОРЛИГИ

### нафақат зарурат, балки кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифадир

**Президентимиз жорий йил 14 июль куни ўз лавозимига киришишга бағишланган тантанали маросимда янги Ўзбекистоннинг яқин истиқболдаги тараққиёт йўлининг бош мақсадларини белгилаб берди.**

Давоми 4-бетда

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

МУНОСАБАТ

# ИСТАК, ИРОДА ВА ТАСКИН

## Янги ғоя ва ташаббуслар ижроси билан мукаммал бўлади



**Зулайҳо АКРАМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

Бошланиши 1-бетда

Жорий йил 9 июль куни бўлиб ўтган сайлов замонавий Ўзбекистон ва унинг аҳолиси ҳаётида туб бурилиш асоси экани бугун ўз тасдиғини топмоқда.

Президентимиз ўз лавозимига киришишга бағишланган тантанали маросимда илгари сурган фикр ва таклифлар барча юртдошларимизни руҳлантириб юборди. Зотан, дилдан чиққан гаплар дилларга жойланади.

Пандемия ва унинг ортидан рўй берган иқтисодий муаммолар нафақат юртдошларимиз, балки бутун ер юзи аҳолиси ҳаётига ҳам бевосита таъсир кўрсатди. Биз бу синовни аҳил ва сахий халқимиз билан биргаликда муваффақиятли енгиб ўтдик. Пировардида, юртдошларимизнинг ислоҳотларга эътибори ва ишончи ошди. Буни халқимизнинг ўтказилган референдум ва сайловдаги фаол иштироки яққол тасдиқлади.

Яна бир муҳим омил халқаро миқёсда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг инсонлар турмуш тарзига бевосита ва билвосита таъсири бўлди. Хусусан, дунё миқёсида сиёсий беқарорлик ва кескинлик ортиши, қуролли тўқнашувлар, иқлим ўзгариши, турли инфекция ва кутилмаган ҳодисалар йиллар давомида шаклланган озиқ-овқат занжиридаги узилишга олиб келди. Бунинг ортидан айрим мамлакатлар озиқ-овқат тақчиллиги билан тўқнашди. Шу ва бошқа омиллар миграцион оқимларни кучайтиргани эса турли нуқталарда ижтимоий барқарорликка реал хавф сола бошлади.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланиши, индустриал соҳадаги такомиллашув ҳамда ресурслардан фаол фойдаланишга бўлган эҳтиёж ортиши натижасида юзага келган иқлим муаммолари одатдаги ҳаёт тарзини ўзгартириб юбормоқда. Зеро, кейинги йилларда дунё миқёсида энг иссиқ ҳарорат, айрим жойларда эса, аксинча, кучли ёғингарчилик ортидан сув тошқинлари, кўчки ва сел келиши кузатилмоқда. Вулқонлар уйғониб, баъзи жойларда қурғоқчилик, чўллашиш энг катта муаммога айланмоқда. Асосий муаммо эса йил сайин сувнинг “тортилиши” бўлмоқда.

Ушбу омиллар инсоният хавотирини ошираётгани ҳам ҳақиқат. Бундай вазиятда бир оила, маҳалла ва ёки шаҳарни эмас, 36 миллионли бутун бир мамлакатимизни асраш, бир вақтнинг ўзида эртанги кунга умидни мустаҳкам ишончга айлантиришдан ортиқ устувор, мураккаб вазифа бўлмаслиги табиий.

### Ҳаммаси ишончдан бошланади

Президентимизнинг ўз лавозимига киришиш тантанали маросимидаги нутқини тинглар эканман, аввало, оддий фуқаро сифатида олдимизда нақадар улкан, кечиктириб бўлмас ва албатта, шарафли вазифалар тургани кўз олдимда тўлиқ гавдаланди. Бинобарин, юқорида санаб ўтилган муаммоларни бир нуқтага бирлаштириб тасаввур қилиш ёки тасвирлашнинг ўзи қийин бўлишига қарамай, давлатимиз раҳбари уларни бирма-бир эътироф этиб, ечимига доир муҳим ислоҳотларга руҳлантиргани барчамизга таскин бўлгани бор гап.

Давлатимиз раҳбари **“Халқимизнинг бизга билдирган юксак ишончи барчамиздан — депутат ва сенаторлар, вазир ва ҳокимлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарларидан, ҳар бир юртдошимиздан белимизни янада маҳкам боғлаб, аввалгидан икки-уч карра кўпроқ ғайрат ва шижоат билан ишлашни талаб этади”,** деди. Дарҳақиқат, халқ вакили сифатида ушбу фикр моҳиятини, унинг замирида ётган адолатни, энг аввало, фуқароларимиз орасида тарғиб қилиш асосий вазифамиздир. Зеро, бугун ҳар бир юртдошимиз Президент ташаббуси билан кечаётган ислоҳотлар мазмунини билишга, уларнинг амалга оширилишида бевосита иштирокчи бўлишга интилмоқда. Бу жараёнда биз — депутатлик корпуси вакиллари давлат ва халқ ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасини ўташимиз талаб этилади.

Бунинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, халқ билан мулоқотларда аҳоли таклиф ва мулоҳазалари, муаммолари ўрганилади. Бу ўринда давлатимиз раҳбарининг **“Янги давр учун янги ғоя ва ташаббуслар керак, янги натижалар керак. Шундагина у том маънода янги давр бўлади”,** деган фикрини эслаш жоиз. Янги ғоя ва ташаббуслар эса айнан халқимизнинг ўзи томонидан билдирилиши йўлида мавжуд имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз даркор. Бунда бизга Президентнинг **“Бугунги кескин рақобат оламида кечаги мезон ва ёндашувлар билан ривожланиб бўлмайди. Бугунги замон — бу кечаги замон эмас”,** деган фикри дастуруламал бўлиши шубҳасиз.

### Ҳар бир кун бу — имконият, ҳар бир кун бу — келажак

Ўзбекистон ўз олдига ижтимоий давлат барпо қилишни асосий мақсад қилиб олганига яна бир бор жиддий урғу берилди. Улар нималарда акс этади?

Энг аввало, мавжуд ҳуқуқий-меъёрий базани янгилаш бўйича олдимизда турган кенг кўламли вазифаларни сидқидилдан ва изчил адо этишимиз зарур. Хусусан, амалдаги қонунчиликни мақсадларимиз ва аҳолининг хоҳиш-истаклари ҳамда замон талаби, ислоҳотлар шиддатига мутаносиб равишда такомиллаштириш лозим бўлади. Ушбу кечиктириб бўлмас вазифани уддалаш орқали нутқда билдирилган барча мақсадларни изчил амалга оширишнинг ҳуқуқий пойдевори бунёд этилади. Бунда бизга халқ вакили сифатида орттирган тажрибамиз асқотади, албатта.

Бу улкан ва шарафли вазифалар ижросида **“Ҳар бир кун бу — имконият, ҳар бир кун бу — келажак пойдевори”** шиори барчамизни ягона ва улуғ мақсад атрофида жипслашишга ундаб туриши шубҳасиз. Албатта, бу борадаги ҳаракатлар, давлат раҳбари таъкидлагани, Конституциямизда муҳрлаб қўйилганидек, юртимиз миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаромиз тинч ва эркин, бахтли ва фаровон яшайдиган ижтимоий давлатга айланишида ҳал қилувчи аҳамиятга моликлигини барчамиз бирдек тушунмоғимиз даркор.

Айниқса, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, таълим ва тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш, янги уй-жойлар қуриш, аҳолини ичимлик суви, энергия билан ишончли таъминлаш, ижтимоий инфратузилмалар ишини яхшилаш бўйича белгилаб олинган вазифаларни сифатли ва самарали бажариш лозим. Шундагина халқимизнинг розилигига эришиш мумкин. Зотан, биз бугунги ислоҳотларнинг улкан бир бўғинимиз. Шундай экан, дастурий мақсадларимиздан келиб чиққан ҳолда ҳам айтиш мумкинки, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган ҳар қандай ислоҳот биз учун бирдек муҳим. Уни бажариш, бажарганда ҳам маромига етказиб ижро қилиш айнан ижтимоий давлат қуришнинг ягона ва ишончли асосидир.

Президент нутқида аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари, ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз кексаларни қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган ишлар янги босқичга олиб чиқилиши таъкидланди.

Бу эса миллионлаб юртдошларимиз қалбидаги эртанги кунга ишончни мустаҳкамлади. Зеро, мақола бошида санаб ўтилган ташқи ва ички омиллар ҳисобига кўп миллионли халқимиз турмушини янада яхшилаш ҳар биримизнинг зиммамизга жавобгарлик юклайди. Бинобарин, фаолиятга эскича назар билан қараш, ўзини бугунги Ўзбекистон руҳиятига мослаштирмаслик кутилган натижани бермаслиги ҳеч кимга сир эмас.

Нутқда ҳар бир мақсад ва вазифани амалга ошириш учун аниқ режа, молиявий асос ва энг асосийси, кучли истак ва ирода, имкониятлар мавжудлигини таъкидлаб ўтилди. Бу кишига таскин беради, албатта. Бироқ бунинг ўзи етарли эмас, назаримда. Ҳақиқий таскин ана шу ресурслардан оқилона фойдаланилгандан сўнггина аҳоли турмуши кун сайин тадрижий равишда яхшиланиб боришини кузатиш ортидан пайдо бўлади.

Шундай экан, энди барчамиз биргаликда янги Ўзбекистонни — инсон қадри устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлатни албатта қурамиз, деган юксак ишонч билан айтилган фикрни ўзимизга нисбатан чақириқ, деб билмоғимиз лозим. Шу йўл билангина таҳликали ва эртани башорат қилиш мушкул бўлган замондан талафотсиз, ривожланиш йўлимиздан оғишмаган ҳолда, халқимиз ва келажак авлод олдида юзимиз ёруғ бўлиб ўта оламиз.

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОDНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

БИЗ ВА ДУНЁ

# КЎП ҚИРРАЛИ ИСЛОҲОТЛАР, ОЧИҚ ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ҚАТЪИЙ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ТУФАЙЛИ ЎЗБЕКИСТОНГА ҚИЗИҚИШ ОРТИБ БОРМОҚДА

## САУДИЯ АРАБИСТОНИНИНГ ЕТАКЧИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА КЕЧАЁТГАН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАР ҲАҚИДА

Бошланиши 1-бетда

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ижтимоий-сиёсий, иқтисодий алоқаларни жадаллаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, муқобил энергия манбалари асосида ишлайдиган электр станцияларини қуриш бўйича янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишга катта эътибор қаратиляпти. Бундан ташқари, томонлар ўртасида нефть-газ саноати, соғлиқни сақлаш, металлургия, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, ахборот-коммуникация соҳаси, транспорт ва логистика, фонд бозорини ривожлантириш ва туризм каби қатор йўналишларда қўшма лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқиш бўйича келишувларга эришилган.

Маънавий-маърифий соҳада ҳам мамлакатларимиз жуда яқин алоқаларни йўлга қўйган. Ўзбекистон ислом оламининг буюк алломалари вояга етган замин ҳисобланади. Бу саудияликларнинг Ўзбекистонга нисбатан қизиқишини кучайтирмоқда. Саудиядан Ўзбекистонга сайёҳлар сонини ошириш бўйича бир қатор лойиҳалар амалга ошириляпти. Хусусан, икки давлат шаҳарлари ўртасида авиақатновлар сони кўпайтирилмоқда.

Ўз навбатида, Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришлар, мамлакатни янада ривожлантириш бўйича жамиятнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарали натижалари Саудия Арабистони етакчи оммавий ахборот воситаларининг юқори қизиқишига сабаб бўлаётир.

Хусусан, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ҳузуридаги ахборот агентликлари уюшмаси (UNA) электрон саҳифасида 14 июль куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистоннинг сайланган Президентининг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган мақола эълон қилинди. Ушбу мақола, шунингдек, UNAнинг “Twitter” ижтимоий тармоғидаги аккаунтига ҳам жойлаштирилди.

Мақолада таъкидланганидек, мамлакатимиз парламенти — Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма йиғилишида Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Президенти лавозимига киришиш маросимида давлат раҳбари келгуси етти йил учун янги муддатни қўлга киритгач, тантанали қасамёд қилди.

“Президент ўз нутқида мамлакатнинг келгуси етти йилга режалаштирилган стратегик мақсадларини ўз ичига олган “Йўл харитаси” ҳақида маълумот бера туриб, ижтимоий соҳани ривожлантириш, тадбиркорлик имкониятини кенгайтириш, Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя жалб этиш каби муҳим масалаларга эътибор қаратди”, — дея қайд этади ИҲТ UNA нашри. UNA муддатидан илгари Ўзбекистон Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича кампания жараёнини кенг ёритди.

“Strategic File” онлайн газетасида муддатидан илгари Ўзбекистон Президенти сайловига бағишланган таҳлилий мақола жойлаштирилди.

Журналист Абдулҳамид ал-Куббийнинг “Ўзбекистондаги Президент сайловлари — Марказий Осиёдаги демократик модель” сарлавҳали мақолада 2019 ва 2021 йилларда Ўзбекистонда бўлиб ўтган парламент ва Президент сайловлари, шунингдек, 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Конституцияга ўзгартишлар киритиш бўйича референдум мамлакатимизда демократик жараёнларни ривожлантиришда сиёсий аҳамиятга эга бўлгани қайд этилган. Нашрда маълум қилинишича, Ўзбекистонда муддатидан илгари Президент сайлови халқ хоҳиш-иродаси билан қабул қилинган янгиланган Конституция ҳамда халқаро экспертлар тавсиялари орқали такомиллаштирилган сайлов қонунчилиги асосида ўтказилди.

“Ал-Йавм” газетаси ҳам Ўзбекистон ҳаётидаги воқеаларни тез-тез ёритади. Ушбу газета саҳифаларида “Ўзбекистон билан диний, инсон ҳуқуқлари ва атом энергияси соҳасида Англашув меморандумлари имзоланди” сарлавҳали мақола босилиб чиқди.

Унда таъкидланишича, мазкур ҳужжатлар Саудия Арабистони Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги Ислом ишлари, даъват ва иршод вазирлиги ўртасида ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича давлатимиз миллий маркази ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси ўртасида имзоланган.

Кўрфаз араб давлатларида оммабоп “Al-Hadth” ва “Nabd al-Hadath” электрон нашрларида Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларга бағишланган туркум мақолалар эълон қилинди.

Уларда Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш йўналишидаги ишлар, аҳоли даромадларини оширишга қаратилган самарали чора-тадбирлар қайд этилган. Бундан ташқари, мазкур мақолаларда Тошкентда ўтказилган “Камбағалликни қисқартириш бўйича илғор тажрибаларни татбиқ этиш” II Халқаро форуми тафсилотлари кенг ёритилган.

Мамлакатдаги йирик онлайн нашрлардан яна бири “Swift News” Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришларга бағишланган туркум мақолаларни ўз ўқувчилари эътиборига ҳавола этиб келмоқда.

Хусусан, мазкур онлайн нашр “Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев: Бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас” номли мақола ўз саҳифасида араб тилида жойлаштирди.

Мақолада таъкидланишича, Ўзбекистон 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мақсадларидан бири сифатида ўзининг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда очиқ ва ўзаро манфаатли ташқи сиёсатни давом эттириш орқали халқаро муносабатлардаги ролини кучайтиришга интилмоқда. Ушбу сиёсат самарасида Ўзбекистоннинг ҳамкор давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан минтақавий ва глобал муаммолар бўйича доимий мулоқотининг муҳим натижаларини дунё тан олмоқда.

“Сўнгги йилларда Ўзбекистон ташқи сиёсат соҳасида хорижий мамлакатлар, айниқса, қўшни давлатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш борасида салмоқли натижаларга эришмоқда. Мамлакат тарихда биринчи марта БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига ҳам сайланди”, дейилади нашрда.

Манбада, шунингдек, очиқ ташқи сиёсат ва халқаро майдондаги қатъий саъй-ҳаракатлар туфайли халқаро ҳамжамиятда Ўзбекистонга қизиқиш ва ишонч ортиб бораётгани, бу эса расмий Тошкентнинг халқаро рейтингдаги ўрнини мустаҳкамлаётгани алоҳида таъкидланган.

“Swift News” “ЮНЕСКО Ўзбекистоннинг Хива шаҳрини жаҳон мероси сифатида қабул қилган” сарлавҳали мақола ҳам эълон қилди.

Бундан ташқари, Саудия Арабистонининг “AMMONNEWS.net”, “Ain Al-Naqal”, “TradeArabia: Business news information” электрон нашрлари, “Strategic File” ва “Watana News” онлайн газетаси сингари етакчи оммавий ахборот воситаларида янги Ўзбекистоннинг замонавий ривожланишига бағишланган туркум мақолалар эълон қилинган.

Саудия Арабистони ОАВ томонидан эълон қилинган аксарият мақолаларда Ўзбекистон тараққиётнинг устувор йўналишларини амалга ошириш ҳамда умумий манфаатлар асосида барча қардош ва дўст давлатлар билан муносабатларни мустаҳкамлашдан бирдек манфаатдор экани қайд этилган.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистонни янада тараққий эттириш, аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича ислоҳотлари ҳамда мамлакатимизнинг очиқ, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсати Саудия Арабистони эксперт-таҳлил, кенг жамоатчилик, ОАВ ва ишбилармон доира вакилларининг юқори қизиқишига сабаб бўлмоқда.

**“Дунё” АА**

ШУКУХ

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ МАРРАЛАРГА ИНТИЛМОҚДА



**Актам ХАИТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари**

Бошланиши 1-бетда

Кейинги йилларда юз берган ҳаётбахш ўзгаришлар, янгиланишларга гувоҳ бўлаётган юртдошларимиз Президент сайловида тўғри танловни амалга оширганини яна бир карра чуқур ҳис этмоқда.

Президентимиз ўз сўзида барчамизни янада қатъият ва шижоат билан ишлашга ундади: **“Халқимизнинг бизга билдирган юксак ишончи барчамиздан — депутат ва сенаторлар, вазир ва ҳокимлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарларидан, ҳар бир юртдошимиздан белимизни янада маҳкам боғлаб, аввалгидан икки-уч карра кўпроқ ғайрат ва шижоат билан ишлашни талаб этади”.**

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон учун келгуси йиллар сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий-гуманитар соҳаларда туб бурилиш ва улкан ўзгаришлар даври бўлишини таъкидлади.

Партиямиз асосий электорати саналган тадбиркорлик янада кенг қулоч ёзишидан манфаатдор ишбилармонлар, фермерлар учун яқин истиқболда имтиёзлар, енгилликлар бериш сиёсати изчил давом эттирилади. Солиқ тизимини соддалаштириш ва барча тадбиркорлар учун тенг имкониятлар яратиш, келгуси йилларда бизнес учун қўшилган қиймат, фойда, айланмадан олинадиган ва мол-мулк солиғи бўйича ставкалар оширилмаслиги қатъий кафолатланади. Вақтида солиқ тўлаётган корхоналарда қўшилган қиймат солиғини қайтариш муддати бир кун этиб белгиланиб, солиқ текширувлари ўтказилмасдан уларга давлат харидларида устунлик берилади. Шунинг баробарида “Очиқ мулоқот”лар орқали тадбиркорлар муаммоларини ҳал қилиш, бизнесга ноқонуний аралашувга йўл қўймаслик ва хусусий мулк дахлсизлиги борасида йўлга қўйилган ишлар қатъий давом эттирилади.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОDНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Тадбиркорлик қўллаб-қувватланишининг қанчалик муҳимлигини ҳамма яхши тушунади. Айниқса, иқтисодий тараққиётни тадбиркорлар фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади, янги иш ўринлари ташкил этиб, аҳоли бандлигини таъминлайди. Тадбиркорлик ривожланса, жамиятнинг барча жабҳаларида ўзгариш, ривожланиш бўлади, одамлар ҳаётдан кўнгли тўлиб, руҳи кўтарилиб, янги марраларга интилади.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилиши белгиланган чора-тадбирлар замирида ҳам халқимиз розилигига эришиш, турмуш фаровонлигини ошириш мақсади мужассам. Зеро, деҳқон эмин-эркин, бемалол ишласа, эл дастурхони тўкин бўлади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотган фермерларга қўшилган қиймат солиғининг 50 фоизини қайтариш амалиёти йўлга қўйилиши, уларни рағбатлантирувчи кучли омилга айланади. 2030 йилгача қишлоқ хўжалигида бир гектардан олинадиган ўртача даромадни 3 минг доллардан 5 минг долларга етказиш, ҳосилдорликни пахта бўйича ўртача 45-50 центнерга, ғалла бўйича 80-85 центнерга ошириш учун зарур шароитлар яратилиши ҳар бир ер эгасига куч ва иштиёқ бағишлаяпти.

Қўшимча 300 минг гектар ер ўзлаштирилиб, интенсив боғ ва узумзорлар ташкил этилиши бошқа тармоқлар ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини ҳозирги 8 фоиздан 25 фоизга ошириш устувор вазифа сифатида белгилаб олиниши эса кўплаб янги иш ўринлари яратилишига туртки беради.

Агротармоқда 2,5 миллион тонна қувватга эга бўлган 100 та янги логистика марказини ишга тушириш, соҳада экспорт ҳажмини йилига 10 миллиард долларга етказиш чоралари кўрилиши, қишлоқ хўжалигига 15 миллиард доллар инвестиция жалб этилиши соҳани янги босқичга олиб чиқади.

Мазкур вазифалар тадбиркорларимиз ҳамда қишлоқ мулкдорлари истак-интилишларига ғоят ҳамоҳанг.

Шу ўринда сув тақчиллигининг олдини олиш бўйича ҳам талай ишлар режалаштирилаётганини тилга олиш зарур. Чунки ушбу ресурсни тежасак, унумли фойдалана олсаккина, жамики мўлжалларимиз рўёбга чиқади.

Давлатимиз раҳбари биз фақат деҳқончилик билан кун кўрадиган мамлакат бўлиб қолмаслигимиз кераклиги, атроф-муҳитга зарар етказмаган ҳолда, ишлаб чиқариш индустрияси кучли ривожланган мамлакатга айланишимиз зарурлиги, бу борада йирик дастурлар қабул қилингани, улар албатта, амалга оширилишини қайд этди. Юртимиз нафақат моҳир пахтакор ва боғбонлар ўлкаси, балки IT бўйича юқори малакали мутахассислар, муҳандис ва энергетиклар, кончи ва металлурглар, физик ва кимёгарлар мамлакати бўлиши кераклигини таъкидлади. Президентимиз айни масалада ёшларга таянишини айтиб ўтди. Эндиликда ёшларни билимли, баркамол этиб вояга етказишга эътибор аввалгидан-да кучаяди, уларга яратилаётган имкониятлар янада кенгайтирилади.

Пировардида, шуни айтишни истардикки, партиямиз янгиланган Конституциямиз, Президентимиз сайловолди дастурида белгиланган устувор мақсад ва вазифалар мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш ва тушунтириш ишларига киришмоқда. Биз халқимиз фаровонлиги, Ватанимиз янада гуллаб-яшнашига қаратилган ишлар амалга татбиқ қилинишига муносиб ҳисса қўшамиз.

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

# ҲАРАКАТ, ИШОНЧ ВА ҒОЛИБЛИК РУҲИ



Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,
академик

Бошланиши 1-бетда

Халқаро ҳамжият ва турли миссиялар вакиллари ривожланаётган мамлакатда бўлиб ўтаётган сиёсий жараёнга қизиқиш билдириши бежиз эмас. Боиси, сайлов — демократия кўзгуси. Чунки айнан сайлов жараёнида мамлакатда очиқлик, ошкоралик, сўз эркинлиги, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига оид умумэътироф этилган демократик тамойиллар амалда таъминлангани кўринади.

Шунинг учун Ўзбекистонда бўлиб ўтган Президент сайловини 800 га яқин халқаро кузатувчи кузатиб борди. Улар орасида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент ассамблеяси ҳамда Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Туркий давлатлар Парламент ассамблеяси, МДҲ ва унинг Парламентлараро ассамблеяси, Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби нуфузли халқаро тузилмалар ва дунёнинг 50 га яқин давлатидан ташриф буюрган кузатувчилар бор эди. Бундан ташқари, мазкур сиёсий жараён тафсилотларини миллий журналистларимиз билан ёнма-ён хорижлик ОАВ вакиллари ҳам кенг ёритди.

Биз бу рақамларни келтиришимиз боиси бор. Гап шундаки, сайлов бир кунда бўлиб ўтади. Аммо бу жараёнга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни халқаро стандартлар асосида ташкил этиш осон иш эмас. Бу мамлакат имижини ва фуқаролар сиёсий мақомини белгилайдиган тадбир. Шу жиҳатдан ҳам ҳар қандай сайлов ўз моҳиятига кўра, халқ иродаси билан ҳамоҳанг тарзда, мамлакат тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини таъминлайдиган, яқин ва узоқ келажак учун таъсир кўрсатадиган мазмун-моҳият касб этади. Агар бу сайлов мамлакат Президентини сайлаш билан боғлиқ бўлса, унинг аҳамияти янада ортади.

Президент сайлови ўтганига ҳам ўн кун бўлди. 14 июль куни кўп миллатли аҳил халқимиз, кенг дунё жамоатчилиги, расмий ва жамоатчилик доиралари вакиллари қайта сайланган Шавкат Мирзиёевнинг ўз лавозимига киришишга бағишланган тантанали маросимини кузатди. Ҳаммамиз давлатимиз раҳбарининг нутқини эшитдик.

Мана шу ўн кун давомида халқаро кузатувчилар ҳам, миллий ва хорижлик журналистлар ҳам мамлакатимизда Президент сайлови юқори савияда ва демократик руҳда бўлиб ўтганини кўп бор эътироф этди.

Бу нимадан далолат беради? Баралла айтишимиз мумкинки, янги Ўзбекистон ислоҳотлари нафақат халқимиз ҳаётини яхшилашга, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий-гуманитар, илм-фан соҳаларида туб бурилишлар, улкан ўзгаришларга асос бўлди, балки, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, **“Биз дадил олдинга интилиб, қўрқув ва ҳадикдан халос бўлдик. Дунё бизга очилди ва биз дунёга очилдик. Жаҳонда қанча-қанча дўст ва ҳамкорлар орттирдик. Юксак иродамиз, қатъий саъй-ҳаракатларимиз билан яна бунёдкор халқ, бунёдкор миллат бўлиб майдонга чиқдик”.**

## Халқаро талаб ва стандартларга мос

Таъкидлаганимиздек, Президент сайлови ҳар томонлама халқаро стандарт ва талабларга муносиб тарзда ташкил этилди ва ўтказилди. Шу жиҳатдан, бу сайловни янги Ўзбекистоннинг умумэътироф этилган халқаро демократик тамойилларга садоқати, мамлакатда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг амалий намунаси бўлди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Бинобарин, Президент сайловида халқаро мезонларга мос миллий сайлов қонунчилигимизга, унда белгиланган адолат, очиқлик, ошкоралик ва эркинлик каби демократик тамойилларга тўла амал қилинди.

Буни учта ташкилот хулосаларидан келтирилган қуйидаги фикрлар билан асосласак бўлади.

**Биринчиси.** Сайловдан сўнг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХҲТ ДИИҲБ) сайловни кузатиш миссияси томонидан дастлабки хулоса берилди. Унда ЕХҲТ ДИИҲБ миссияси таркибида 220 кузатувчи республикамизнинг турли нуқталаридаги қатор сайлов участкаларида бўлиб, сайловни кузатиш имконига эга бўлгани қайд этилди. Ҳар бир сайлов участкасида сайловчиларнинг келиши, рўйхатдан ўтиши, бюллетенларни тўлдириши каби барча жараёнлар кузатиб борилгани айтилди.

Барча сайлов участкаларида партия ва маҳалла вакиллари ҳозир бўлиб, жараённинг шаффофлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшишгани алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, миссия вакиллари сўнгги йиллардаги ислоҳотлар натижасида хотин-қизларнинг давлат ва жамиятдаги иштироки кенгаяётгани, хусусан, парламент аъзоларининг 29,8 фоизини хотин-қизлар ташкил қилаётгани, жумладан, сайлов жараёнида ҳам хотин-қизлар фаол иштирок этганини қайд этди.

Марказий сайлов комиссияси (МСК) сайловни ташкил этиш ва ўтказиш ваколатига эга бўлиши баробарида кенг қонуний ваколатлар билан таъминланганига ҳам эътибор қаратилди. Яъни МСК муддат қисқалигига қарамай, сайловга тайёргарликни самарали бошқарди, қонунда белгиланган муддатларга риоя қилди. Мунтазам равишда йиғилишлар ўтказиб, сайлов жараёнининг турли жиҳатларини батафсил тартибга солиб турди. Шунингдек, МСК мажлисларида келиб тушган мурожаатлар бўйича ҳисоботлар эълон қилиб борилди. Бу эса сайлов жараёнлари очиқлигини оширди.

ЕХҲТ ДИИҲБ миссияси 2016 йилда аёлларнинг жамоат ва сиёсий ҳаётдаги иштирокини рағбатлантиришга қаратилган ислоҳотлар бошланганидан кейин уларнинг парламентдаги сони ортганига алоҳида эътибор қаратган.

**Иккинчиси.** Сайловдаги очиқлик ва адолатни таъминлаш юзасидан Бош прокуратура ҳам ўз маълумотларини тақдим этди. Унга кўра, сиёсий тадбирда қонун устуворлигини таъминлаш учун мазкур тизимнинг 3 мингга яқин ходими сафарбар этилган. Алоҳида тайёрланган 218 ходимдан таркиб топган Бош прокуратура ва ҳудудий прокуратуралардаги ишчи гуруҳлар тизимли равишда иш олиб борган. Хусусан, сайловга доир маълумотларни мониторинг қилиш ва қонунбузилиш ҳолатларини аниқлашга қаратилган тадбирлар доирасида интернет ахборот тизими ҳамда ижтимоий тармоқларда эълон қилинган 1100 дан ортиқ хабар ўрганилиб, оммавий ахборот воситалари маълумотлари синчковлик билан кузатиб борилган.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилиб, маълумотлар узлуксиз алмашилган. Жараёнда кузатувчилар, партия вакиллари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларидан эътирозлар келиб тушмаган. Сайлов жараёнида жиддий қонунбузилишларга йўл қўйилгани аниқланмаган.

**Учинчиси.** Ўзбекистон Олий суди мутасаддилари ҳам бу борада ўз хулосаларини билдирди.

Амалдаги қонунларимизда сайловга оид қонунчиликни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик ҳам белгиланган бўлиб, бундан сайлов жараёни иштирокчиларининг қонунчиликка тўлиқ риоя этиши ва ҳуқуқлари самарали амалга оширилишини таъминлаш кафолати кўзланган.

Сайловга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш, сайловга тайёргарлик кўриш ва сайлов ўтказиш жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш билан боғлиқ қоидабузарлик учун бирор шахс маъмурий жавобгарликка тортилмаган.

Шу билан бирга, овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ҳужжатларини қалбакилаштириш, имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш, фуқароларнинг сайловда эркин иштирок этишига тўсқинлик қилиш, таҳдид, алдаш ёки оғдириб олиш йўли билан монелик кўрсатишга доир жиноят ишлари ҳам судларнинг иш юритувига келиб тушмаган.

Дарҳақиқат, сайловнинг нечоғлик тайёргарлик ва кўтаринки кайфиятда бўлиб ўтгани овоз бериш якуний натижасида аён бўлди. Халқимиз ўзи ишонган ва муносиб деб билган номзодга овоз берди. Бу жараёнда жисмоний имконияти чекланган шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга ошириши учун сайлов участкалари кўчма сайлов қутилари, брайль алифбосидаги сайлов бюллетенлари билан таъминлангани, пандуслар ўрнатилгани, сурдотаржимонлар фаолияти йўлга қўйилгани, хорижий давлатлардаги ватандошларимиз учун ҳам етарлича шароит яратилгани муҳим аҳамият касб этди.

> **САЙЛОВДАН СЎНГ ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА БЮРОСИ (ЕХҲТ ДИИҲБ) САЙЛОВНИ КУЗАТИШ МИССИЯСИ ТОМОНИДАН ДАСТЛАБКИ ХУЛОСА БЕРИЛДИ. УНДА ЕХҲТ ДИИҲБ МИССИЯСИ ТАРКИБИДА 220 КУЗАТУВЧИ РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ТУРЛИ НУҚТАЛАРИДАГИ ҚАТОР САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИДА БЎЛИБ, САЙЛОВНИ КУЗАТИШ ИМКОНИГА ЭГА БЎЛГАНИ ҚАЙД ЭТИЛДИ.**

Бу бизнинг катта ютуғимиз бўлди. Айтиш жоизки, бир қарашда силлиқ ва байрамона руҳда кечган сайловда эришилган ютуқлар ва халқимизнинг бир овоздан ўз Президентини қўллаб-қувватлагани замирида муҳим асослар бор. **Биринчидан,** халқимиз ислоҳотлар моҳиятини англаб етди ва кейинги йилларда амалга оширилаётган ўзгаришларга нисбатан ишончи ортди. **Иккинчидан,** фуқароларимиз давлат ва жамият қурилишида ўз овозига эга эканини тушуниб етди. **Учинчидан,** демократик руҳда тобланаётган жамиятда дахлдорлик ҳисси шаклланган янги муҳит пайдо бўлди. Бу биринчи ва иккинчи асос муҳитида пайдо бўлган, ҳаётимизни том маънода ўзгартиришга қодир манзара сифатида намоён бўлади.

## Янги давр учун янги ғоя ва ташаббуслар керак

Сайловда халқимиз олдига танлов қўйилди. Кимга қайси номзод мақсад ва режалари маъқул келса, ўшанга овоз бериш ҳуқуқи берилди. Натижада эса Шавкат Мирзиёев ғолиб бўлди. Нимага? Чунки Шавкат Мирзиёевнинг Сайловолди дастурида кўплаб долзарб вазифалар белгилаб олингандики, уларнинг ҳар бири фарзандларимиз келажаги, халқимиз ҳаёти, мамлакатимиз тараққиётига дахлдор аниқ ечимга эга ташаббуслар эди. Булар, табиийки, шу юрт фарзанди бўлган, келажагига бефарқ бўлмаган ҳар киши, яъни сайловчи эътиборини тортмасдан қолмади. Фикримни Шавкат Мирзиёевнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ўн биринчи съездида келтирилган Сайловолди дастуридаги вазифалардан бири мисолида давом эттирсам. Бунга алоҳида урғу бераётганим сабаби, аввало, ўзим илм кишисиман, қолаверса, таълим-тарбияга қаратилган эътибор келажакка қўйиладиган энг зарур ва энг мустаҳкам пойдевордир.

Шавкат Мирзиёев Сайловолди дастурида 5 та асосий йўналишга эътибор қаратишини маълум қилди. Буларнинг биринчиси — **ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароит яратиш.** Бу мамлакат келажаги, фарзандларимиз тақдири учун энг оқилона ечимлардан биридир.

Унга кўра, 2030 йилга қадар мактабгача таълимга бўлган эҳтиёж тўлиқ қопланади ва қамров 100 фоизга етказилади. Боғча ва мактаблар фильтрланган ичимлик сув билан тўлиқ таъминланади. Келгуси 7 йилда мактабларда қўшимча 2,5 миллион ўқувчи ўрни яратиш зарур. Шу мақсадда “Йилига 500 минг ўқувчи ўрни” дастури амалга оширилади. Хусусий таълимга қўшимча енгилликлар берилади. Давлат-хусусий шериклик асосида мактаблар қуриш кенг жорий этилади. Бошланғич синф ўқувчилари таълим планшетлари билан тўлиқ таъминланади.

Фарзандлари келажагига эътибор қаратилган жамият истиқболли бўлади. Чунки бунинг учун сарфланган



> **КЕЛГУСИ 7 ЙИЛДА МАКТАБЛАРДА ҚЎШИМЧА 2,5 МИЛЛИОН ЎҚУВЧИ ЎРНИ ЯРАТИШ ЗАРУР. ШУ МАҚСАДДА “ЙИЛИГА 500 МИНГ ЎҚУВЧИ ЎРНИ” ДАСТУРИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ. ХУСУСИЙ ТАЪЛИМГА ҚЎШИМЧА ЕНГИЛЛИКЛАР БЕРИЛАДИ. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА МАКТАБЛАР ҚУРИШ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ТАЪЛИМ ПЛАНШЕТЛАРИ БИЛАН ТЎЛИҚ ТАЪМИНЛАНАДИ.**

сармоя эртага ўн баробар, юз баробар зиёди билан қайтиши тарихда ўз исботини топган.

Илм чексиз. Унинг имкониятлари кўп. Улардан ўз ўрнида, самарали фойдаланиш эса ана шу имкониятларни юзага чиқаришда айни муддаодир.

Шу ўринда кичик бир мулоҳазани ўртага ташлаймиз. Иқтисодий ўсиш ва ривожланиш моддий бойлик қаторида инсон капиталига таъсир қилувчи омилларга ҳам боғлиқ. Инсон капитали одамлар ҳаёти давомида тўплаган билимлари, кўникма ва тажрибаларини жамият ва мамлакат салоҳиятини рўёбга чиқаришга замин яратишидир. Соғлом ва сифатли овқатланиш, соғлиқни сақлаш, таълим тизимини ривожлантириш, иш ўринлари яратиш ва ишчилар малакасини ошириш орқали одамларга сармоя киритиш инсон капитали ривожига ҳисса қўшади. Бу қашшоқликни тўхтатиш ва ижтимоий жиҳатдан бирлашган жамиятни барпо этиш учун жуда муҳим жиҳат.

Жисмонан соғлом ва билимли одамлар кўпроқ даромад топади. Бу иқтисодиётнинг қайсидир жойида ривожланиш бўлишига, оилаларга, фарзандларга сармоя киритилишига ҳам асосдир.

Бугун дадил айта оламизки, Ўзбекистон бу борада қатъий мақсадларини белгилаб олган. Жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида 100 та мақсад қамраб олинган бўлса, шундан 34 таси адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш билан боғлиқ вазифалардир.

Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш йўналишида таълим сифатини ошириш масаласига берилган устуворлик эса жамият келажагини, аввало, таълим сифати ва таълим олувчи қобилиятини белгилаб беради.

Ўзбекистон учун, ўзбек халқи учун мустақилликнинг ҳар бир йили қадрли ва муҳим аҳамиятли. Бинобарин, ўтган вақт мобайнида амалга оширилган ишлар одамлар дунёқарашида, ҳаётида катта ўзгаришлар ясади.

Бугун юртимизнинг исталган жойига боринг, ислоҳот эпкинларини сезасиз. Хоҳлаган киши билан гаплашинг, ён-атрофида, турмушида бўлаётган ўзгаришлар ҳақида тўлқинланиб гапириши мумкин. Халқимизнинг ғайрат-шижоати, бунёдкорлик салоҳияти самараси шаҳару қишлоқларимиз қиёфасида яққол намоён бўлмоқда.

Булар бир қарашда оддий, силлиққина қилиб айтиладиган гаплардек туюлиши мумкин. Лекин бунинг замирида қанчалик заҳматли меҳнат ётганини англаш керак. Ҳар бир халқ фақат эркин ва озод бўлгандагина ўз ҳаёт йўлини, келажагини ўзи белгилай олади. Бугун Ўзбекситон халқи ана шу эркинлик асосида ўз тақдирини ўзи белгилаб, келажак сари дадил одимламоқда.

Президентимиз 14 июль куни ўз лавозимига киришишга бағишланган тантанали маросимда нутқ сўзлар экан, жумладан, бундай деди: **“Қудратли халқимизга таяниб, ақл-заковатимиз, билим ва тажрибамизни ишга солиб, ислоҳотларимиз суръати ва самарасини янада оширамиз, ҳеч қачон сусайтирмаймиз. Қанчалик қийин ва машаққатли бўлмасин, танлаган йўлимиздан ортга қайтмаймиз. “Ҳар бир кун бу — имконият, ҳар бир кун бу — келажак пойдевори” деган шиор бугундан бошлаб ҳаётимиз қоидасига, ҳар қайси раҳбарнинг, барча халқ ноиблари, вазир ва ҳокимларнинг кундалик фаолият дастурига айланиши шарт”**.

Чиндан ҳам, бугун янги Ўзбекистон тараққиётининг янги даври бошланмоқда. Бунинг учун эса, Преидентимиз таъбири билан айтганда, **янги ғоя ва ташаббуслар керак, янги натижалар керак.** Шундагина у том маънода янги давр бўлади.

Президентимиз нутқида миллионлаб инсонларнинг умид ва ишончини оқлаш, эришган ютуқларни янги натижалар билан мустаҳкамлаш нафақат вазифа, балки инсоний бурчга айланиши шартлиги таъкидланди.

Бизнинг сафимизга чет элдаги нуфузли олийгоҳларда ўқиган, йирик компанияларда ишлаган қанча-қанча салоҳиятли ёшлар кириб келаётгани уларнинг тимсолида, аввало, эртанги кунимизнинг янги раҳбарлари, ҳудуд, тармоқ ва соҳаларнинг моҳир бошқарувчилари намоён бўлаётгани алоҳида қайд этилди.

Президентимиз Ўзбекистон ёшларига яна бир бор мурожаат қилиб, бугун тарихнинг, замоннинг ўзи улар учун беқиёс имкониятлар очаётганини, ёшлар янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессансни барпо этувчи куч эканини айтди. Давлатимиз, халқимиз яратиб бераётган имкониятларнинг қадрига етиб, дунёга ўз сўзини айтишга ундади. Бунда эса бугунги олинган билим ва тарбия, яъни йўналтирилган капитал, албатта, асқотади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, дунёда ҳеч бир иш ўз-ўзидан бўлмайди. Кимки аниқ мақсад йўлида ҳаракат қилса, эзгу ният билан олдинга интилса ва ўзига ишонса, шундагина натижа бўлади. Бугун бағрикенг халқимиз эришаётган ютуқлар замирида ҳам ана шу қудратли фалсафа — ҳаракат, ишонч ва ғолиблик руҳи мужассам.





БУГУННИНГ ГАПИ

# Сув тежамкорлиги

## нафақат зарурат, балки кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифадир



**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари олдимизда турган давр Ўзбекистон учун сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий-гуманитар соҳаларда туб бурилиш ва улкан ўзгаришлар даври бўлиши, келгуси етти йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилган стратегик мақсадларга эришиш учун барча куч ва имкониятлар мавжудлигига алоҳида тўхталар экан, устувор мақсадлар қаторида сувдан самарали ва тежамкорлик билан фойдаланиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилишини таъкидлади.

Жумладан, **"Экология ва атроф-муҳитни асраш, сув тақчиллигининг олдини олиш бундан буён ҳам биз учун долзарб вазифа бўлиб қолади"**, деди.

Дарҳақиқат, глобал иқлим ўзгаришлари туфайли тобора кучайиб бораётган сув тақчиллиги муаммоси бугунги кунга келиб аксарият давлатлар кун тартибидаги асосий масалалардан бирига айланди. Зеро, муаммо кўлами шу даражадаки, экспертлар ҳатто яқин келажакда кузатилиши прогноз қилинаётган кучли танқислик ортидан сувнинг баҳоси нефть ва газ, олтин каби қимматли қазилма бойликлари қаторига чиқишини тахмин қилмоқда.

Бу башоратлар қанчалик хавотирли бўлмасин, бир томондан, мантиқийдек. Чунки дунё бўйича сувга талаб муттасил ортиши баробарида захиралари камайиб боряпти. Бунинг салбий таъсири эса аллақачон кўпгина минтақалар, жумладан, Марказий Осиёда ҳам сезиляпти.

Демак, танқислик муқаррар экан, сув қийматининг ошиши ҳам кундай равшан. Бинобарин, бутун олам тириклиги, ҳар бир экин тақдири, озиқ-овқатимиз мўллиги, умуман, турмушимиз сув билан боғлиқ, усиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди.

Айтайлик, ҳозир айни ёз — пишиқчилик фасли. Бозорларимиз заминимиз саховати, деҳқонларимиз меҳнати эвазига пишиб етилаётган турфа маҳсулотлар билан янада файзли бўлиб боряпти. Лекин ана шу неъматлар дастурхонимизга етиб келгунга қадар қандай босқичлардан ўтади, қандай парваришланиб, ўғит ва минераллар қанча берилади, суғориш учун қанча сув сарфланади? Зарурат бўлса, буни соҳа мутахассислари батафсил изоҳлаб, тушунтириб, ҳисоблаб бериши мумкин. Зеро, ҳозир ҳисоб-китобли замон. Бундай паллада ҳеч бир нарса беҳуда, ортиқча сарфланмайди. Масалан, бугун қуёш тиғида елкасида кетмон билан дала суғораётган сувчи сувнинг қадри нақадар ортиб бораётганини аллақачон англаб етган. Фермерга қўйиб берсангиз, ғўзасини кафтида суғоришга тайёр. Чунки сув ҳисоб-китобли. Вақт ўлчовли. Унга муайян миқдор ва вақт ажратилган. Шу вақт ичида даласини суғоришга улгуриб қолиши ҳамда навбатни бошқа фермерга бериши керак.

Зар қадрини заргар билади, дейишади. Бугун сув қадрини дунё биляпти. Ундан оқилона фойдаланмасак, асраб-авайламасак, эртага ўзимиз азият чекишимиз мумкинлигини барча англаб етяпти. Ҳозирги кунда нуфузли халқаро ташкилотлар минбарларида ушбу мавзуда бот-бот гапирилаётгани, амалий ишларга тезроқ ўтиш зарурлиги юзасидан бонг урилаётганининг боиси ҳам шунда. Биз ҳам бу борада қайта-қайта мақола ёзишдан, сувни тежашга ундовчи фикрлар айтишдан эринмаймиз. Бу вазият тақозоси.

Пойтахтимизда "Янги Ўзбекистон: тараққиёт, инновация ва маърифат" мавзусидаги халқаро шериклик ташаббуслари ҳафталиги доирасида "Барқарор ривожланиш мақсадлари: озиқ-овқат хавфсизлиги ва сув таъминоти" мавзусида ўтказилган халқаро конференциясида ҳам айни шу масалалар муҳокама қилинди.

2019 йилдан бошлаб Ўзбекистонда сув тежовчи технологияларни жорий этганларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми йўлга қўйилган. Жумладан, субсидия ажратилаётгани кластер ва фермерларни рағбатлантирмоқда. Мисол учун, 2019-2022 йилларда сув тежовчи технологияларни жорий қилган қишлоқ хўжалиги корхоналарига жами 1 триллион 465 миллиард сўм субсидия ажратилган. Субсидия ажратиш механизми йилдан-йилга такомиллашиб боряпти.

2023 йилда сув тежайдиган технологияларни 500 минг гектар майдонда жорий этиш ва 1,5 миллион гектарга етказиш режалаштирилган. Ушбу технологияларни ишлатиш орқали 1,9 миллиард метр куб сув, 100 минг тонна минерал ўғит, 13 минг тонна ёнилғи-мойлаш материаллари иқтисод қилинади ҳамда ҳосилдорликни ўртача 15-20 центнер ошириш имконияти яратилади.

> СУВ ЭНГ ҚИММАТ РЕСУРСГА АЙЛАНИШИ ҲАҚИДА ЭКСПЕРТЛАР ЎТГАН АСРДА АЙТГАН ПРОГНОЗЛАР БУГУН ЎЗ ИСБОТИ ТОПА БОШЛАДИ. НЕГАКИ, 2030 ЙИЛГА БОРИБ ЎЗБЕКИСТОНДА 7 МИЛЛИАРД МЕТР КУБ СУВ ТАНҚИСЛИГИ КУЗАТИЛИШИ ВА ОҚИБАТДА МАМЛАКАТ ДУНЁДАГИ СУВ ТАНҚИС БЎЛГАН 33 ДАВЛАТ ҚАТОРИГА ТУШИБ ҚОЛИШИ ЭҲТИМОЛДАН ЙИРОҚ ЭМАС. БУ ЭСА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ, СУҒОРИШНИНГ ТЕЖАМКОР УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ.



Унда Ўзбекистон сув хўжалиги вазири Шавкат Ҳамроевнинг таъкидлашича, республикамизда жами суғориладиган ер майдонлари 4,3 миллион гектарни ташкил этиб, бугунги кунга қадар сувни тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган майдонлар 1,2 миллион гектарга ёки суғориладиган ерларнинг 28 фоизига етказилди. Жумладан, 473,5 минг гектарда томчилатиб, 44,7 минг гектарда ёмғирлатиб, 18 минг гектарда дискрет, 133,9 минг гектарда бошқа сув тежовчи суғориш тизимлари жорий қилинди ҳамда 569 минг гектар экин майдони лазер ускунаси ёрдамида текисланди.

<u>Сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш кўлами бўйича Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчи, МДҲ давлатлари орасида иккинчи, Осиё давлатлари орасида тўртинчи, дунёда эса ўн учинчи ўринда турибди.</u>

Дарҳақиқат, юртимизда сув танқислигининг салбий оқибатлари таъсирини юмшатиш мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар кўриляпти. Суғориш тармоқларини бетонлаштириш ва фойдали иш коэффициентини ошириш, ерни лазерли текислаш, сувдан самарали фойдаланишга эришиш, соҳани тўлиқ рақамлаштириш, сув тежайдиган технологияларни жорий этишни кенгайтириш, суғориш маданиятини юксалтириш кабиларни бунга мисол сифатида келтириш мумкин.

Сув тежовчи технологияларга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу энг тўғри йўл. Сабаби, бу усул, аввало, давлат бюджетига кўп юк бўлиб тушмайди. Асосан, сув истеъмолчиларининг ўз маблағлари ҳисобига барпо этилади. Бу орқали нафақат сув, балки минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, ишчи кучи кабиларга харажатлар тежалади. Ҳосилдорликни ошириш нуқтаи назаридан эса унинг жозибадорлиги янада ортади.

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси доирасида 2030 йилгача бажариладиган устувор вазифалар белгиланган.

Жумладан, Сув хўжалиги вазирлигида ер ости, ер усти ва қайтар сув ресурсларини ҳисобини юритиш бўйича ягона интеграциялашган бошқарув тизими яратилади.

18,7 минг километр ёки 66 фоизи тупроқ ўзанли ҳисобланган магистрал ва хўжаликлараро каналларнинг бетон қопламали улуши 13,1 минг километр ёки 46 фоизга етказилади.

Суғориш тизимларининг фойдали иш коэффициенти (ФИК) 0,63 дан 0,73 гача оширилади. Қишлоқ хўжалигида суғориладиган майдоннинг ҳар бир гектарига бериладиган сув ҳажмини 20 фоиз камайтириш орқали сув маҳсулдорлиги яхшиланади.

Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда тежамкор технологиялар билан қамраб олинган ернинг умумий майдони 2 миллион гектаргача, шу жумладан, томчилаб суғориш технологияси 600 минг гектаргача етказилади.

Хизмат муддатини ўтаб бўлган насос станцияларидаги 1 минг 750 дона насос агрегати энергия тежамкорларига ҳамда 2 минг 100 дона электродвигатель янгисига алмаштирилади.

Насос станцияларининг йиллик электр энергияси истеъмоли 8 миллиард киловатт-соатдан 2025 йилда 7 миллиард киловатт-соат ва 2030 йилда 6 миллиард киловатт-соатга камайтирилади.

Барча сув олиш нуқталари (18,5 мингта)га "Ақлли сув" ("Smart Water") қурилмалари ўрнатилади ва сув ресурслари рақамли технологиялар асосида бошқарилади.

2030 йилгача 1 минг 687 та насос станциясида электр энергияси истеъмолини онлайн мониторинг қилиш тизими жорий этилади. Фойдаланишдан чиққан 298,5 минг гектар суғориладиган ер фойдаланишга киритилади.

— Биз Ўзбекистон Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда "Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқаришни рақамлаштириш" лойиҳасини амалга оширяпмиз, — дейди Венгриянинг "Art Work Design Kft" компанияси директори Андрас Федосеев. — Ушбу лойиҳа доирасида Ўзбекистондаги жами сув ресурслари мониторингини юритувчи "Рақамли сув хўжалиги" ягона платформаси яратилади. Шунингдек, Сув хўжалиги вазирлигида "Вазиятлар маркази" ташкил этилади. Натижада сув ресурслари манбадан тортиб то истеъмолчига етиб боргунига қадар барча жараёнларда сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини онлайн юритиш, улар тўғрисида маълумотларни шакллантириш ҳамда йиғилган маълумотлар асосида сувни бошқариш жараёнини таҳлил қилиш имконияти юзага келади.

Ҳа, сув энг қиммат ресурсга айланиши ҳақида экспертлар ўтган асрда айтган прогнозлар бугун ўз исботи топа бошлади. Негаки, 2030 йилга бориб Ўзбекистонда 7 миллиард метр куб сув танқислиги кузатилиши ва оқибатда мамлакат дунёдаги сув танқис бўлган 33 давлат қаторига тушиб қолиши эҳтимолдан йироқ эмас. Бу эса қишлоқ хўжалигида сувдан оқилона фойдаланиш, суғоришнинг тежамкор усулларини қўллашни жадаллаштиришни тақозо этади.

Бугунги кунда кўплаб давлатлар қишлоқ хўжалигида сув тақчиллиги муаммосига сув тежовчи технологиялар орқали ечим топмоқда. Масалан, Исроилда деярли барча экин майдонлари томчилатиб суғориш тизимига ўтказилган.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасининг ривожи, янаям аниқроғи, деҳқончилик тақдири — томчилатиб суғоришда. Сув тақчиллиги тез-тез такрорланаётган, қурғоқчилик таъсири ортиб бораётган ҳозирги шароитда суғоришнинг ушбу усулига ўтмасдан туриб ҳосил етиштириш қийин масала.

Бухоро вилоятидаги "BCT Cluster" пахта-тўқимачилик кластери ғўза майдонларида томчилатиб суғориш тизимини йил сайин кенгайтирмоқда. Жорий йилда у 507 гектарда татбиқ қилиняпти. Бунинг учун 15 та сув тиндириш ҳовузи қуриш, уларга обиҳаёт етказиб бериш учун тик қудуқлар қазиш, шунингдек, насос ва бошқа агрегатлар ўрнатиш, қувур ётқизиш ишлари жадал олиб бориляпти. Ушбу технология ишга тушгач, экинларни суғориш ва озиқлантириш учун сув ва минерал ўғитлар сарфи 50 фоизгача тежалиши кутилмоқда.

Яқинда Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги "TCT Cluster" кўп тармоқли кластерининг яна 50 гектар ғўза майдонида суғоришнинг тежамкор усулига старт берилди.

Кластернинг томчилатиб суғориш бўлими бошлиғи Аброр Фармоновнинг айтишича, анъанавий суғориш усулидан босқичма-босқич воз кечилиб, томчилатиб суғоришга ўтиляпти. Шу мақсадда ўтган йилларда 1 минг 200 гектардан ортиқ майдонга ушбу технология татбиқ қилинди. Чунки бу усулда сув билан биргаликда зарур ўғитлар экиннинг илдиз қисмига узатиб берилади. Натижада сув ва ўғит сарфи кескин камайиб, пахта ҳосилдорлиги ўртача 30 фоизгача кўтарилади.





Шу каби афзалликлар туфайли жорий йилда яна 450 гектар майдон томчилатиб суғориш усулига ўтказилиши режалаштирилган. Ана шунда ушбу кластерда тежамкор суғориш тизимлари жорий этилган майдонлар умумий ҳажми 1 минг 700 гектарга етади.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалигида янги механизм — кластер ва кооперациялар фаолияти қўллаб-қувватланиб, уларда "амалиёт — илм — инновация" тизими уйғунлаштирилгани мутахассислар эътиборига тушмоқда. Бугунги кунда юртимизда 833 та агрокластер ва 200 дан ортиқ кооператив самарали фаолият юритмоқда.

Инновациялар ва замонавий техника ҳисобига ҳосилдорлик 29 центнердан 2022 йилда 34 центнерга ошди. Пахта етиштиришда мажбурий ва болалар меҳнатига барҳам берилди. BCI — "Яхшиланган пахта" стандарт тизими жорий қилинмоқда. Пахта хомашёси 100 фоиз чуқур қайта ишланмоқда.

— Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси тасдиқланган, — дейди Жаҳон банкининг сув ресурсларини бошқариш лойиҳалари раҳбари Абдулхамид Азад. — Бундан кўзланган мақсад сув хўжалиги соҳасидаги муаммоларга ечим топиш, шу билан бирга, мамлакатни келажакда кутилаётган сув танқислигига тайёрлашдир. Концепцияда белгиланган вазифаларни амалга оширишда Жаҳон банки ҳамкорликка тайёр. Ўзбекистонда сув ресурсларининг қарийб 90 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳасида сарфланади. Сувдан самарали фойдаланиш деганда фақатгина сувни тежайдиган технологиялар жорий этилишини тушунмаслик керак. Соҳани рақамлаштириш, ходимларни ўқитиш, малакасини оширишга ҳам эътибор қаратиш зарур. Яқинда Қорақалпоғистонда бўлиб, Жаҳон банки иштирокидаги "Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш" лойиҳаси доирасидаги ишлар билан танишдик. Шунингдек, Жаҳон банки иштирокида "Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. 2-босқич" лойиҳаси ҳам амалга ошириляпти. Ушбу лойиҳалар Ўзбекистон билан сув хўжалиги соҳасида ҳамкорлигимиз ривожланаётганидан далолат беради.

Мамлакат барқарор ривожланишида озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалигининг ўрни катта.

— Айни шу мақсадда 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинган, — дейди Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазири Азиз Воитов. — Стратегия тўққизта банддан иборат бўлиб, биринчи банд аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Бу глобал аҳамиятга эга вазифа. Ушбу вазифани бажариш учун кейинги йилларда ердан самарали фойдаланиш ва экин турларини диверсификация қилиш мақсадларидан келиб чиқиб, кўплаб ўзгаришларга эришилди. Айтиб ўтиш керакки, ғалла ва пахта майдонини қисқартириш эвазига мева-сабзавот экиш кўпайди. Кейинги масала — кооперациялар тизими. Кичик деҳқон хўжаликларини кооперация орқали йирик тадбиркорлик субъектларига айлантириш, харажатларини камайтириш ва даромадини кўпайтириш ҳамда молиялаштириш учун янги имкониятларни яратиш устида ишлар олиб борилмоқда. Олдимизда турган энг асосий вазифа эса, албатта, сув ва ердан оқилона фойдаланиш чораларини кенгайтиришдир. Шу мақсадда ирригация ва мелиорация ҳолати ёмонлашуви натижасида фойдаланишдан чиққан 1,1 миллион гектар ерни оборотга киритиш концепцияси қабул қилинди. Ўтган даврда обородан чиққан, лалми, яйлов ерлардан қарийб 580 минг гектари фойдаланишга киритилди. Ўзлашган ерларда 280 минг аҳоли бандлиги таъминланиб, қўшимча 3,7 миллион тонна маҳсулот етиштирилди. Келгуси 5 йилда яна 500 минг гектар ерлар фойдаланишга киритилади. Қишлоқ хўжалиги ерларининг чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга 25 йилга ижарага берилиши белгиланди.

Ўзбекистон қурғоқчил минтақада, океан ва йирик денгизлардан олисда жойлашган мамлакат. Шу боис, биз учун сувнинг аҳамияти, қадри ортиб бораверади. Бугунги кўрилаётган чоралар, эртанги турмушимиз ҳам ҳозиргидан кам бўлмаслигини таъминловчи кафолатдир. Шу жиҳатдан, мамлакатимиз қишлоқ ва сув хўжалигида бошланган ҳамда ҳозирги кунга келиб ўз самарасини берган тизим — сув тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилаётгани таҳсинга лойиқ. Зотан, сув тақчиллиги сезилаётган ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалигининг келажаги ва ривожи шунга боғлиқ.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОDНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

# ИЛМИЙ САЛОҲИЯТНИ ЕТУК КАДРЛАР ЯРАТАДИ

**Аҳмед РЕЙМОВ,**
**Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ректори, профессор**



Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Республикасида етук ва билимли кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари орасида Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг ҳам ўз ўрни бор.

Университетда илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, етук педагог кадрлар тайёрлаш, инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш ва иқтидорли талабаларнинг илмий тадқиқотлари борасида кўплаб амалий ишлар олиб борилмоқда. Улар қуйидаги факт ва рақамларда акс этади.

Университетда жами 983 нафар педагог фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 39 нафари фан доктори ва профессорлар, 323 нафари эса фан номзоди ва фалсафа докторларидир. Университетнинг илмий салоҳияти 36,5 фоизни ташкил этмоқда.

2022 йили университет профессор-ўқитувчиларининг 61 нафари — 2 нафари фан доктори (DSc) ва 59 нафари фалсафа доктори бўлди. Жорий йилнинг биринчи олти ойида эса 4 та фан докторлиги (DSc) ва 32 та фалсафа докторлиги диссертациялари ҳимоя қилинди.

Ўтган йили профессор-ўқитувчилар томонидан 67 та монография, 10 та ихтиро патенти, 47 та электрон дастурга муаллифлик гувоҳномалари олинди ва Scopus халқаро маълумотлар базасидаги илмий журналларда, хорижий ҳамда республика илмий нашрларида мақолалар, маҳаллий ҳамда халқаро конференция материаллари тўпламлари чоп этилди.

Айни пайтда университетда 5 нафар докторант, 133 нафар таянч докторанти, 6 нафар стажёр-тадқиқотчи ҳамда 2 нафар мустақил тадқиқотчи таҳсил олмоқда. Ўтган йили жами 7 нафар таянч докторант томонидан муддатидан илгари докторлик (PhD) диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилингани ҳам илмий фаолиятимиз мунтазамлигини акс эттиради.

Шу билан бирга, университет ҳузурида техника, биология, тарих, иқтисодиёт, филология, юридик фанлар бўйича илмий даражалар берувчи жами 6 та илмий кенгаш фаолият кўрсатаётгани ҳам таълим муассасамиз салоҳияти ва имкониятларининг ўзига хос ифодасидир. Уларда 2022 йилда 51 та — 47 та фалсафа докторлиги (PhD) ва 4 та фан докторлиги (DSc) диссертациялари ҳимояси муваффақиятли ўтказилди. Айни пайтда яна илмий даражалар берувчи 2 та ихтисослашган илмий кенгаш тузилиши натижасида университет ҳузуридаги кенгашлар сони 8 тага ортди.

Энди бевосита амалий лойиҳаларимиз ва уларнинг аҳамияти ҳамда қиймати ҳақида. Жумладан, 2021 йилда профессор-ўқитувчилар томонидан умумий қиймати 1 миллиард 530 миллион 277 минг сўм бўлган 8 та амалий лойиҳа бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Ўтган йили эса давлат илмий-техник дастурлари доирасида қиймати



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

## ТАЪЛИМ

3 миллиард 160 миллион 588 минг сўм бўлган 7 та амалий лойиҳа бўйича тадқиқот ишлари амалга оширилди.

Президентимизнинг 2021 йил 29 июлдаги “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида”ги қарорига асосан, Қорақалпоқ давлат университети томонидан умумий қиймати 1,5 миллиард сўмлик 4 та амалий лойиҳа бажарилиб, жами 600 миллион сўмлик 1 та стартап лойиҳа бўйича инновацион тадқиқот ишлари олиб борилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 6 июлдаги “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига 7-илова сифатида тасдиқланган “2022-2023 йилларда олий таълим муассасалари томонидан янги ишланма ва технологияларни жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш дастури”да университет томонидан қиймати 950 миллион сўм бўлган 4 та янги ишланма ва технологияни яратиш ҳамда жорий этиш лойиҳалари бўйича илмий-амалий тадқиқотлар амалга оширилди.

Айни пайтда 2 нафар профессор-ўқитувчимиз республика миқёсида “Инновацион ғоялар етакчиси” кўкрак нишони ва 1 нафар ёш олим “Энг яхши лойиҳа ижрочиси” номинацияси бўйича сертификат соҳиби бўлди. Университет ҳузурида 2021 йилнинг сентябрь ойидан умумий қиймати 2,5 миллиард сўмга тенг бўлган “Биоэкология” илмий тадқиқот лабораторияси ўз фаолиятини бошлади. Шунингдек, илмий тадқиқот, таълим, амалиёт ва ишлаб чиқаришга татбиқ этиш жараёнларини ўз ичига олган ҳамда таркибида “Кимёвий технология” илмий-ишлаб чиқариш лабораторияси, “Кимё” бўйича илмий-экспериментал лаборатория, “Қурилиш материаллари” ва “Тўқимачилик маҳсулотлари ва ускуналари” илмий-технология лабораторияси мавжуд бўлган “Кимёвий технология” илмий-технологик лаборатория кластери учун зарур асбоб-ускуналар ва жиҳозлар олиб келинди.

Шунингдек, университетимиз ҳузурида “Илмий инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этиш маркази” ўз фаолиятини бошлади ва бугунги кунда ушбу марказга 12 нафар фуқаро ишга қабул қилинди.

2022 йилнинг ноябрь ойида аввалги Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятининг охирги беш йиллигига бағишлаб ўтказилган ҳисобот рейтингида Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг илмий тадқиқотлар ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, илмий инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш ва иқтидорли талабаларнинг тадқиқот ишларини ташкил этиш борасидаги фаолияти самарадорлиги юқори баҳоланиб, вазирлик томонидан 190 га яқин олий таълим муассасаларининг энг юқори кўрсаткичга эга бўлган ТОП-5 ликдан ўрин эгаллашини жуда юқори натижа деб биламиз.

Жорий 2022/2023 ўқув йилида 39 нафар, жумладан, 3 нафар талаба Президент стипендияси, 8 нафар талаба Навоий, 4 нафари Беруний, 2 нафари Улуғбек, 1 нафари Ислом Каримов, 1 нафари Тўлепберген Қайипбергенов, 1 нафари Ибройим Юсупов номидаги давлат стипендиялари, 1 нафар талаба математика фани бўйича академик Т.А.Саримсоқов номидаги, 17 нафар талаба Бердақ номидаги стипендия, 1 нафар талаба UzGTL компанияси махсус стипендияларига муносиб топилди.

Ушбу ютуқ ва муваффақиятлар Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети педагогик жамоасининг илмий салоҳияти ва илмий тадқиқот ишларининг кўлами, энг муҳими, мунтазамлигининг ифодаси деб таъкидлашга изн беради.

## НУҚТАИ НАЗАР

# ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРЛАР

## ОТМларнинг халқаро рақобатбардошлигига хизмат қилади

**Ботир УСМОНОВ,**
**Тошкент кимё-технология институти ректори**



**Мамлакатимизда таълим хизматлари соҳаси жадал суръатда ўсмоқда. Бу эса талабага асосий истеъмолчи сифатида қарашни ва алоҳида муносабатни вужудга келтирмоқда. Зеро, таълим иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг муҳим омили бўлиб, давлат тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқичига туртки берадиган ўзига хос дастак вазифасини ўташи мумкин.**

Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш жараёнида таълим хизматлари соҳасида ҳам самарали фаолият юритиш ва унинг ривожланишини таъминлайдиган инновацион йўналишларни аниқлаш эҳтиёжи пайдо бўлди. Шу боис, ўқув муассасаларида истеъмолчиларни қаноатлантирадиган шарт-шароитни аниқлаш, маркетинг фаолиятини йўлга қўйиш, рақобат стратегиясини шакллантириш, кўрсатилаётган таълим хизматлари сифатини ошириш зарурати юзага келди. Бу эса ташқи ва ички муҳитнинг доимий мониторингини юритишни тақозо этади. Натижада келажакда таълим тизимининг рақобатбардошлиги ва сифатини тез ҳамда функционал таъминлашга қодир бўлган университетлар ва бизнес тузилмаларининг давлат-хусусий шериклик механизмларидан фойдаланиш мумкин. Талабалар учун кураш шароитида рақобатбардош муносабатлар тобора таълим хизматларининг барча соҳасини қамраб ола бошлади. Шунга монанд университетлар таълим бизнесида мустаҳкам ўрин эгаллашга ҳаракат қилаётир.

Мамлакатимиз таълим маконида ислоҳотлар жадал кечмоқда. Ўзгаришлар таълим тизимининг тузилиши ва функцияларига, шунингдек, мазмуни ва ўқитиш технологияларига таъсир кўрсатмоқда. Зотан, Ўзбекистоннинг замонавий таълим тизими мураккаб ташкилий тузилма бўлиб, унинг доимий янгиланиб бориши мамлакат ва аҳоли манфаатларининг ўзгариши, шунингдек, таълим-тарбия тараққиётидаги халқаро жараёнлар, глобал цивилизациянинг умумий тенденциялари билан боғлиқ.

Глобаллашув даври илғор олий таълим тизимини қуришимиз учун биздан янгича ёндашувларни талаб қилади. Жаҳон таълим маконида аниқ ўрин эгаллаш мақсадида Марказий Осиё мамлакатларининг миллий сифатида фойдаланиш имкониятини беради. Ташкилотлар, жумладан, давлат ва барча иқтисодий соҳаларнинг ўзаро ҳамкорлиги академик ҳаракатчанлик орқали таъминланади.

Олий таълим тизимини ривожлантиришнинг инновациявийлиги мамлакат халқаро рақобатбардошлигининг асосий омили бўлиб, уни университетлар ва давлат-хусусий шериклик доирасидаги тадбиркорлик тузилмалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик механизми воситасида таъминлаш мумкин. Глобаллашув шароитида Ўзбекистонда олий таълим тизимини инновацион ривожлантириш стратегиясини шакллантириш орқали соҳани такомиллаштириш, жумладан, корпоратив-кластер ёндашуви доирасида бошқарувнинг инновацион шаклларини ташкил этиш, хорижий ОТМлар иштирокини кенгайтириш, мақсадли жамғарма (эндаумент фонд)ларни шакллантириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, хусусий-давлат шериклиги доирасида тадбиркорлик тузилмаларини жалб этиш лозим.

Миллий илмий-таълимий инновацион кластерлар яратиш орқали Ўзбекистонда олий таълим тизимининг рақобатбардошлигини ошириш кун тартибидаги масаладир. Кластер деганда саноат корхоналари билан бирлаштирилган ва улар билан ҳамкорликда турли даражада ўзаро таъсир қилувчи таълим ва илмий муассасалар мажмуасини тушуниш мақсадга мувофиқ. Кластернинг инновационлиги унинг тузилмасида кўзга ташланади. Тузилма таркибига таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, технологиялар трансфери



таълим тизими дунёда рўй бераётган ўзгаришлар ва ривожланиш жараёнига мослашиши муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, юртимизда таълим сифати ва олий таълимга қамровни оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани катта воқеадир. Сўнгги беш йилда 100 дан ортиқ янги университет ташкил этилди. Ҳозир Ўзбекистондаги ОТМларнинг умумий сони 2016 йилдаги билан таққослаганда 2-3 баробар юқори кўрсаткичга етди. Олий таълимга қабул қилиш даражаси 2016 йилга нисбатан тўрт баробар ошди. Бундан тўрт йил аввал Ўзбекистонда чет эл университетларининг атиги 7 та филиали фаолият юритган бўлса, ҳозир улар сони 30 га етди.

Мамлакатимиз олий таълим тизимида илмий-техникавий салоҳият етарли даражада юқори суръат билан тараққий этаётган бўлса-да, жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги пастлигича қолмоқда. Дунё мамлакатлари таснифига кўра, Ўзбекистон таълим тизими кам ривожланган давлатлар гуруҳига киради. Жаҳон давлатларидаги олий таълим тизимининг қиёсий таҳлилига қаралса, мамлакатимизнинг бундай ўрни олий таълим тизими ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга нисбатан ўсиш суръати пастлиги билан боғлиқ.

Ривожланган ва ривожланаётган олий таълим тизимига эга мамлакатлар билан солиштирганда энг паст кўрсаткич талабага тўғри келадиган харажатдир. Ўзбекистонда унинг қиймати 964 АҚШ долларини ташкил этади. Таълимга давлат харажати мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 4,92 фоизни, ривожланган мамлакатларда эса 6 фоиздан ортиқни ташкил этади. Бюджетдан ташқари молиялаштириш тизими эса шаклланиш босқичида.

Буюк Британия (13,92 фоиз), Франция (10,81 фоиз), Швейцария (18,42 фоиз), Австралия (20,42 фоиз) билан солиштирганда мамлакатдаги жами талабалар сонига нисбатан келган мобиль талабалар сони атиги 5 фоизни ташкил этади.

Барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва мамлакатнинг халқаро рақобатбардошлигини шакллантириш тажриба алмашиш, технология ва ахборот узатиш йўли билан билимлардан иқтисодий устунлик марказлари, илмий лабораториялар, технопарклар, қайта тайёрлаш марказлари, корхоналар киради.

Илмий-таълимий инновацион кластерларни яратишнинг ўзига хос хусусиятлари турли даражадаги рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, шунингдек, юқори малакали ишчилар нуфузини оширишни назарда тутади. Институтлар, олий ўқув юртлари ва ишлаб чиқариш мажмуаларининг илмий, ўқув ва ишлаб чиқариш фаолиятини интеграциялаш жараёни инновацион иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Миллий илмий-таълимий инновацион кластерларни яратиш жараёни тизимнинг модели ва алгоритми, илмий ишланмаларни тижорийлаштириш, натижаларни баҳолаш, интеллектуал мулк ва илмий бошқарувнинг аниқ тизимини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Халқаро таълим тизими субъектлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, илмий алоқаларни кенгайтириш орқали мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигидаги ўзига хос устунликларни яратиш вазифаси турибди. Бу саъй-ҳаракатлар халқаро лойиҳа ва дастурларда, хорижий ОТМ ва илмий-тадқиқот ташкилотлари билан қўшма илмий-таълимий кластерлар доирасида тижорий алоқалар ўрнатиш кабиларни кўзда тутади. Зотан, халқаро таълим кластерлари муайян тармоқ доирасидаги маҳаллий ва хорижий корхоналар, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва олий ўқув юртлари мажмуаси бўлиб, уларнинг мақсади миллий ва халқаро меҳнатда рақобатбардош, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича илмий ва таълим маконида халқаро фаолиятни кенгайтиришдан иборат.

Олий таълим тизимини молиялаштиришнинг инновацион дастурини яратиш орқали мамлакатнинг халқаро таълим бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш мумкин. Ушбу дастур олий таълимни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимига мақсадли халқаро хайрия жамғармалари маблағларини инвестиция тариқасида киритиш билан йўлга қўйилади.

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

## КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИ

# МАЪРИФАТПАРВАР БОБОЛАРГА МУНОСИБ ИЗДОШЛАР

**Сирожиддин РУСТАМОВ,**
**Республика Маънавият-тарғибот маркази ходими**

Бошланиши 1-бетда

Анжуманнинг мақсади “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиатлари билан доимий мулоқотни давом эттириш, уларда Ватанга садоқат, ўзбек миллий қадриятларига ҳурмат, ватанпарварлик руҳини кучайтириш ҳамда янги Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати моҳияти ва мақсадларини тушунтиришдан иборат. Хорижда таҳсил олаётган ёшларга мутахассисликлари бўйича мамлакатимизни янада ривожлантириш юзасидан таклифларини ўрганиш ва амалиётга жорий қилишга кўмаклашиш, ўқишни тугатиб қайтганларидан сўнг улар учун муносиб меҳнат фаолиятини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

— Ҳеч қайси давлат ўз-ўзидан буюк бўлиб қолмайди. Мамлакат истеъдодли ва салоҳиятли ёшлари билан қудратлидир, — деди Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, “Эл-юрт умиди” жамғармаси Васийлик кенгаши аъзоси Минҳожиддин Мирзо. — Шу маънода, Президентимиз ташаббуси билан навқирон авлодни юқори интеллектуал салоҳиятга эга, замонавий ва креатив фикрлайдиган, илм-фанга инновацион ғоя ва технологиялар олиб киришга қодир мутахассис қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биз яшаётган бу замонлар, сизга насиб этган бу имконлар не-не инсонларга армон бўлиб қолган.

Дарҳақиқат, роппа-роса бир аср илгари маърифарпарвар боболаримиз ўз ҳисобидан миллат ёшларини хорижга ўқитишга юборган. Бу улуғ зотларнинг мақсади, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, жаҳолат ва қолоқлик гирдобида қолган Туркистон халқини дунёвий илм-фан, илғор касб-ҳунарлар билан қуроллантириб, умумбашарий ривожланиш йўлига олиб чиқишдан иборат бўлган.

Замон биздан маърифатпарвар жадидларга издошлик мақомида фидойилик билан меҳнат қилишни талаб этмоқда. Жаҳон меҳнат бозорида рақобатбардош ва юқори малакали мутахассисларни етакчи хорижий таълим муассасаларида тайёрлаш ва малакасини ошириш Ўзбекистоннинг ҳар томонлама жадал ривожланиши учун ниҳоятда зарур. Семинарда дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги энг нуфузли таълим ва тадқиқот, инновация ва амалиёт масканларида таҳсил олиш ва стажировка ўташ бахти насиб этган юртимиз ёшларига ҳар бир лаҳзани бекор ўтказмай мамлакатимиздаги Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш жараёнига муносиб ҳисса қўшишлари муҳимлиги таъкидланди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, Республика Маънавият ва маърифат маркази “Эл-юрт умиди” жамғармаси билан бир неча йиллардан буён яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу борада жамғарма томонидан ташкил этиладиган стипендия танловларида иштирок этувчи номзодларнинг Ватанимиз тарихи, буюк аждодларимиз мероси, маънавий билими даражасини аниқлаш бўйича суҳбат дастури ишлаб чиқилган. Суҳбат жараёнида олимлар, маданият ва санъат арбоблари, ёзувчи ва шоирлар иштирок этади.

Семинар қатнашчилари таниқли профессорлар, юқори мартабали шахслар, сенатор ва вазирлардан қизиқарли маърузалар тинглади. Олий Мажлис Сенати, “Янги Ўзбекистон боғи”, Темурийлар тарихи давлат музейи, “Адиблар хиёбони”, “Қатағон қурбонлари музейи” каби диққатга сазовор манзилларга саёҳат уюштирилмоқда.

— Маърузалардан сўнг ҳаммамиз Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуасига бордик, — дейди АҚШнинг Миннесота университети талабаси Шаҳзода Икромова. — У ерда “Қатағон қурбонлари” музейида бўлдик. Мана, қаранг, Ватанимни тараққий эттираман, деган инсонлар собиқ тузум даврида қандай машаққатларга дучор бўлган. Ҳатто жисмоний йўқ қилишгача борилган. Бугун эса мустақил давлатимиз биз, ёшларга ўқиб-ўрганишимиз учун ҳар томонлама шарт-шароит яратиб бермоқда. Ўқув семинари ҳамда экскурсиялар орқали ўзимиздаги тарихий билимларни янада бойитдик. Жадид боболаримиз ҳақида кўпроқ маълумотларга эга бўлдик.

Бугунги кунда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Канада, Италия, Испания, Жанубий Корея каби ривожланган мамлакатларнинг глобал академик рейтингларига кирган University of Oxford, University of Cambridge, University College London, Imperial College London, Columbia University, Cornell University ва бошқа шу каби нуфузли университетларда мамлакатимиз учун устувор ҳисобланган мутахассисликлар бўйича 500 га яқин стипендиатлар “Эл-юрт умиди” жамғармаси таълим дастурлари бўйича ўқишни давом эттирмоқда.

— Иқтисодиёт ва сунъий интеллект йўналиши бўйича магистратурада таҳсил оляпман, — дейди АҚШнинг Дуке университети талабаси Абдумалик Абдуқаюмов. — Ёзги таътил давомида “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиатлари учун ташкил этилган махсус ўқув-семинар бошқа давлатларда ўқиётган талабалар билан тажриба ва фикр алмашиш имконини бергани боис, менга маъқул бўлди.

Ҳаммамизга маълумки, ҳозирги кунда ахборот ва маълумотлар билан ишлаш янада тезлашган. Шу сабабдан сунъий интеллект бўйича дунёда кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Абдумалик ўзи таҳсил олаётган университетда ҳам сунъий интеллектни иқтисодиёт билан боғлаган ҳолда фойдали дастурлар яратяпти. Ўзбекистонга қайтиб келганида, албатта, Ватан равнақи учун мана шундай стратегик дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш истагида изланмоқда.

Ёшларимиз дунёнинг қайси мамлакатида таҳсил олмасин, ҳамиша Президентимиз меҳрини, ишончи ва умидини ҳис қилиб яшамоқда. Университетдаги шартнома суммаси, кундалик яшаш чиқимлари билан боғлиқ барча харажатлар “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан қоплаб бериляпти. Улар ёшлар таълимини давлат сиёсати даражасига кўтарган Президентимиздан миннатдор эканликларини, келажакда билдирилган эътибор ва ишончни юксак даражада оқлаш учун бор имкониятларини ишга солиб илм олаётганларини фахр билан айтиб ўтди.

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

МУЛОҲАЗА



**Уларни бир қарашдан танийсиз. Қўлларида планшет ё телефон... Нималарнидир ахтаришади, нималарнидир қиёслашади. Ўтирган жойлари кутубхона ё соя-салқин дарахтзор, хиёбон... дунё билан ишлари йўқ, гўё бу оламда ўзларию орзулари, интилишлари бор, холос. Ҳа, адашмадингиз, улар — олийгоҳларга кириш учун астойдил ҳаракатда бўлган абитурентлар. Нафсиламрини айтганда, уларнинг ҳаммасини абитуриент деб аташ ҳам унчалик тўғри бўлмайди. Чунки таълимда юз берган ислоҳотлардан, янаям аниқроқ ифодаласак, имтиёзлардан фойдаланиб, уларнинг анчаси аллақачон муддатидан аввал керакли балларни тўплаб, хориж олийгоҳларига кириб олган.**

# Ким бўлсам экан?

## Ушбу савол бизни ўз вақтида безовта қилиши керак



**Қутлибека РАҲИМБОЕВА, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими**

Яқинда бир ҳамкасбим "Олтин қалам" XVII Миллий мукофоти совриндорларидан бири бўлиши муносабати билан суҳбатлашиб қолдик. Гап айланиб оилавий масалаларга келганида, суҳбатдошим оналарга хос ғурур билан:

— Тўнғич ўғлим бирваракайига хорижнинг иккита олийгоҳига кириш учун етарли балларни йиғди. Лекин ҳали-ҳануз китобдан бош кўтармаяпти. "Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига ҳаракат қилиб кўраман. Ўтиб кетсам, яхши бўларди. Барибир ўз юртингда ўқиш бошқача-да, ахир ўз юртингнинг одамлари қолиб тоғу тошлари ҳам сени суяйди, деган гап бор-ку..." деган фикрини эшитиб, кечагина қўлидан етаклаб юрган фарзандимнинг улғайиб қолганини ҳис қилиб кўнглим ўсди, — деди.

Ҳа, ўғил-қизларимиз ҳам жисман, ҳам фикран улғаймоқда. Шунинг учун фақат суҳбатдошимга ўхшаган зиёли оналарнинг фарзандлари битта-иккита бўлиб эмас, мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизнинг турли гўшаларида ташкил этилган Президент мактаби, ижод мактаблари битирувчилари ҳам гурас-гурас бўлиб, тўп-тўп бўлиб институт, университетларга интилмоқда. Сирдарё вилоятида фаолият олиб бораётган Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби директори, II даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳибаси Покизахон Аҳмаджоновани тинглаймиз:

— Ўқувчиларимиз мактаб учун белгиланган дастурдан ташқари турли тўгарак машғулотларига, адабиёт, санъат, илм йўналишларидаги танловларда ҳам фаол иштирок этади. Аксарият ҳолларда ғолиб бўлиб қайтади. Ана шу жараёнлар болаларимиз қалбида айрича бир дадиллик, ўзларига ишонч руҳини уйғотмоқда. Бу йил йигирма нафар илк қалдирғочларимиз мактабимизни битирди. Ўйлайманки, ҳаммаси ўзлари орзулаган олийгоҳларга кириш бахтига эга бўлади...

Сезганингиздай, Президент мактаблари, ижод мактаблари битирувчилари олдида айни кунларда "Ким бўлсам экан?" деган савол кўндаланг бўлиб тургани йўқ. Яна ҳамкасбим сингари ўз ота-оналаридан кўрганларини болалари ҳаётида такрорлаётган оилаларнинг ҳам бу савол атрофида машаққатлари йўқ бўлса керак. Чунки суҳбатдошимнинг ота-оналари фақат унигина эмас, ўғиллари Жавоҳирхўжа ва Жасурхўжани ҳам бола ёшидан турли тўгаракларга етаклаб олиб борган, уларнинг ўзлари қизиққан соҳалари бўйича қўшимча машғулотларга ундаган.

— На дарсдан сўнг, на дам олиш кунлари бўш вақтимиз бўларди. Спорт, мусиқа... хуллас, қадамимиз етадиган жойда қандай тўгарак, ансамбль бўлса, ҳаммасига қатнашардик, — дейди ҳамкасбим ўсмирлик даврларини хотирлар экан.

Аммо ўғил-қизларимизнинг қизиқишларига қараб касбга йўналтиришга жуда катта аҳамият берилаётган бизнинг давримизда мактаблардаги ўқув сифатини кўтариш масаласига давлат даражасида эътибор кўрсатилаётган дориламон замонимизда ҳам битирувчиларнинг олийгоҳларга кириши билан боғлиқ қатор муаммолар борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Бу муаммолар бугун пайдо бўлган эмас, кечаги бепарволик, ғофиллик, яна аллақайси хатоларимизнинг давоми, десак ҳақ гапни айтган бўламиз. Дейлик, ўқитувчиларнинг маоши босқичма-босқич ошириляпти. Улар ортиқча қоғозбозликдан халос қилинаётгани ҳам бор гап. Лекин мактабда дарс бераётган муаллимларнинг ҳаммаси ўз касбининг усталарими? Ахир етакчи талабалар имтиҳон олдидан рўйхат билан пул тўплаган, "5" га мунча пул, "4" учун мунча, "3" учун мунча", дея ажратиб ўтирган замонлардан буён нари борса, ўн-ўн икки йил ўтгандир. Сессия пайтини ота-оналар "йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган пайт", дея атарди. Талабаларнинг ўзи ҳам "Ўқисанг, ўқимасанг, барибир оладиганини олмагунча баҳосини қўймайди", деб юрарди. Ўша талабаларнинг бир қисми бугун мактабларда дарс бермаяптими? Улар орасида ўз устида ишлаб, маошини ҳалоллаб олаётганлари ҳам бордир. Бироқ "ҳаётда ҳамма нарсани пул ҳал қилади", тарзидаги кайфиятда қолганлари ҳам кам эмас. Айнан шу кайфиятдаги муаллимлар қўлида ўқиётган ўқувчилар кўнглини то мактабни битиргунча "Ким бўлсам экан?" деган савол безовта қилмайди. Айнан шундай ўқувчиларнинг аттестатидаги баҳолари озғингина "3" бўлади. Бошланғичдан бошланган ўртамиёналик то битиргунларича давом этаверади. Умуман, ўзлаштиришдаги ўртамиёналик даражасига жиддийроқ ёндашув йўқлиги бор гап. Ҳар бир бола учун астойдил жон куйдирилса, юз фоиз бўлмасаям, ўзлаштириш сифати кўтарилади. Аммо дарс ўтишдаги дангасалигимизни "Ҳамма ўқийверса, подани ким боқади?" деган баҳона билан ниқоблашни яхши кўрамиз.

Аксарият ўқитувчилар шу руҳиятда бўлганидан ё "Нима бўлса бўлар, керак бўлса, ота-онаси ўқитиб олсин", деган кайфиятдалигидан битирувчилар билан боғлиқ муаммоларнинг яна биттаси худди шу жойда ўзини намоён қилади. Битирувчи қараса, "аъло", "яхши" баҳога ўқиган тенгдошлари елиб-югуриб олийгоҳларга кириш учун ҳужжат тайёрлаяпти. Уларнинг эртасини тасаввур қилади: озода кийимларда ўқишга қатнаяпти, индинини тасаввур қилади: иш жойлари тайин, ҳаётда ўринларини топган... Уларнинг ҳам кўнгли қўзғалади, "Мен ҳам ўқийман, қандай қилиб бўлсаям ўқишга киритасиз", дея оёқ тираб олади.. Эҳтимол, бир-иккита ота-она ўғли ё қизининг етуклик аттестатини қўлига олиб:

— Аҳволингни қара, сени қайси институт ёки университет қабул қилар экан? — дер. Лекин аксарият ота-оналар: — Бир бош уриб кўрсин, ҳозир "йўқ", десак, ўзини бир нарса қилиб қўймасин, — дейишади. Табиийки, бугун билимдан бошқа ҳеч қандай куч олийгоҳ дарвозасин очишга қодир эмас. Йиллар давомида "Ким бўлсам экан?" деган савол билан оғринмагани учун аро йўлда қолиб кетади ва одамлар орасида:

— Ҳа, энди ўқиш деганга бели бақувватлар киради, бизнинг кучимиз етмади, — деган гап-сўзларни тарқатишади. Ота-оналар ҳам орият юзасидан бу гап-сўзларга қўшилади. Бир-икки ҳафта кўкрагини захга бериб ётиб, сўнг бирон касб-ҳунар ўрганишга борганлари бу муаммодан чиқиб кетади. Аммо "Қишлоққа қайтишга уяламан", деб шаҳарда қолганларининг ҳаётида янги машмашалар бошланиб кетиши ҳеч гап эмас. Кими арава судраб мардикорликка чиқади, кими каззобларга қўшилиб қолади...

Айниқса, "Агар мана шу йил ўқишга кира олмасанг, узатиб юбораман", деган шарт билан шаҳарга юборилган қизларимиз ҳаётида анчагина кўнгилсизликларни кузатганмиз. Талаба бўлиш бахтига эришса, хўп-хўп, бундай бўлмаса-чи?..

Болаларим ёшроқ пайтларида рўзғор юмушларига қийналиб қолганимда М. исмли аёлни мардикор бозоридан ёрдамга олиб келганман. Иттифоқо, наманганлик қўшнимиз кириб қолган. Уни кўриб аёл ўзини ҳаммомга урган. Чиқиб кетганидан сўнг йиғлаб-йиғлаб тарихини гапириб берган.

— Бу опа бизнинг қариндошимиз бўлади. Менинг бу аҳволда яшашимни билмаслиги керак. Ўн етти ёшимда ўқийман, шифокор бўламан, деб шаҳарга келганман. Дадам:

— Майли, бу йил сенга имкон берамиз. Кирсанг, ўқиб кетасан. Агар бундай бўлмаса, келишинг билан тўй қиламиз, совчилар тайёр, — деди. Мактабда ўртача ўқигандим, имтиҳонлардан ўта олмадим. Аммо ёш эдим, узатилишга, эр, оила юкини гарданимга олишга мутлақо ҳоҳишим йўқ эди. Шунинг учун уйдагиларни "кирдим", деб алдадим. Ота-оналарим содда одамлар эди, ишонди. Бирон жойда ишлаб, кечалари тайёргарлик кўрсам, янаги йил кириб кетарман, ота-онамнинг олдида юзим ёруғ бўлар, дедим. Кундузи иш тополмагач, кечаси ишлайдиган кафега идиш-товоқ ювувчи бўлиб ишга кирдим. Абитуриентлигимда танишган, ўзимга қисматдош қизлар билан ижарада турардим. Бир-икки ой ишлагач, ювишда ишлатиладиган гелдан қўлимга нарса тошиб кетди. Пулсиз, ижарадан қарз бўлиб қийналиб юрсам, хонадошларимдан бири "Э, бунақа юрасанми, ёшсан, чиройлисан, фойдаланиб қолмайсанми?" деб қолди. Аввалига қўрқдим, сўнг енгил яшашга ўрганиб қолдим. Ўқиш орзуси ҳам ўлда-жўлда қолиб кетди. Йиллар ўтиб, турмуш ҳам қургандай бўлдим. Лекин бир-икки бор яширин равишда аборт қилдирганимдан сўнг фарзанд ҳам кўрмадим, рўзғорим бўлмади. Мана, энди уйга ҳам боролмайман, на уйим, на жойим, на оилам, на қариндошим бор. Қанча вақт ўтиб кетган бўлса-да, қишлоқдошларим олдида сирим фош бўлиб қолишидан ҳануз қўрқиб яшайман.

Албатта, барча ўқишга кира олмаган қизларнинг тақдири бу хилда адашиб кетмайди. Мен Тошкент давлат юридик институтига етти ёзда етти бор ҳужжату имтиҳон топшириб саккизинчи йили кирган навоийлик Гули исмли қизни биламан. Ҳозир хусусий нотариус очган, ишлари мақтовга лойиқ. Лекин на ўғил болага, на қиз болага ўқишга киришдан аввал ота-она томонидан юқоридагидай шарт қўйилиши ҳамиша ҳам яхшилик билан тугамаслигини айтмоқчи эдим. Бир пайтлар Косово, кейинроқ Сурия, Украина яна аллақаерларга адашиб-улоқиб кетганларнинг ҳам хатоларининг илдизи ўз вақтида "Ким бўлсам экан?" деган савол билан оғримаганида.

Ўрни келганида ўзим кузатадиган яна бир ҳолат ҳақида ҳам гапиргим келяпти. Баъзи оилалар, мактабларда касбга йўналтиришда хатоликлар бўлиб туради. Фарзандлар руҳига "Сен ҳаммадан зўрсан", деган кайфият сингдирилади. "Менинг ўғлим бошлиқ бўлади, бошлиқ бу, бошлиқ", дея меҳмонлар олдида кичкиналарини эркалатишади. Бир қарашда ҳазилга ўхшаш бу кайфият эркатойлар катта бўлгач ҳам давом этаверади.

— Менинг болам прокурор бўлади. Биздан ҳам бир чиқсин...

— Қишлоқ хўжалигида ўқийди, ҳоким бўлади...

— Банкир бўлади, қўлида пул ўйнайди...

Ҳаётингизда бир марта бўлсаям, бундай гаплар қулоғингизга тушмаган, деб бўлмайди. Албатта, орзу қилиш яхши. Лекин ҳолва деган билан ҳамиша оғиз чучимайди. Бўйидан баландга сакраган орзунинг оёғи синиб, шикастланиши мумкин. "Ким бўлсам экан?" деган савол ҳақида ўйлаганда бу жиҳатларини ҳам хотирдан фаромуш қилиб бўлмайди, бизнингча.

Замонлар ўзгарди. Ҳар бир оилада вояга етаётган фарзандга фақат шу хонадоннинг боласи деб эмас, юрт боласи деган муносабат йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда. Болаларимиз вояга етгач, муаллақ бир ҳаётда қолмаслиги учун бирон касб-ҳунар эгаси бўлиб, оёқда маҳкам туриши учун давлат томонидан мисли кўрилмаган даражада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Имконият — бошловчи, имконият — етакловчи. Барибир ҳар ким ўз тақдирининг эгасидир.

...Уларни бир қарашда танийсиз, қўлларида планшет ё телефон... нималарнидар ахтаришади, нималарнидир қиёслашади. Кимларгадир улар кўпдек туюлар, етарлидек кўринар, лекин салкам ўттиз олти миллионлик аҳолиси бор, улардан олтмиш фоизи ёшлар бўлган мамлакат учун, менинг наздимда, улар камдек... Уларнинг аксарияти ҳануз қишлоқларда, тоғларда, адирларда, яна юртимизнинг аллақайси пучмоқларида қолиб кетаётгандек... Отаётган тонг, ботаётган шомни шунчаки кутиб, кузатаётгандек... Тоғни талқон қиладиган ёшларда қалбларида Ватанга, халққа дахлдорлик туйғуси заиф, жуда заифдай... "Бирон давлатга бориб ишласам-у, лак-лак пул топсам" — орзусининг чўққиси шу нуқтадай...

Эрта, жуда эрта уларнинг қалбида "Ким бўлсам экан?" деган савол уйғонсагина, шу саволни уйғотиш кучига эга бўлсаккина, бу каби "дай, дек"лардан халос бўлиб, кўнглимиз ёришадигандек, тўлиқ, тугал бир ҳаловат келадигандай...



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

АДАБИЙ МЕРОС

**Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти Шарқ қўлёзмалари хазинаси асосий фондида №12891 рақами билан "Сабзазор" номли китоб сақланади. Кўпчилик, ҳатто унча-мунча адабиётшунос олим унинг борлигини билмайди. Билсаларда, жуда оз маълумотга эга. Бу китоб турли кутубхоналар, фонд, архивлар ичида ўз ўқувчиларини узоқ кутди. Деярли 110 йил биздан кўзини узмади.**



# 110 йилда халққа қайтган китоб



**Шаҳноза НАЗАРОВА, филология фанлари доктори**

*Китоб ўлчами 21х13,5 сантиметр, матн ўлчами 11х18 сантиметр бўлиб, муқоваси оч яшил тусли картондан ишланган. Баёз ҳижрий 1332 — милодий 1914 йил 22 августда Тошкентдаги В.М.Ильин босмахонасида нашр қилинган. 49 саҳифадан иборат ушбу тошбосма китобни Мунавварқори тўплаб, нашрга тайёрлаган.*

Тўплам анъанавий тарзда басмала (Яратганнинг номи) билан бошланади, ҳамд ва наът келтирилади. Сўнг Саййидаҳмад Васлий, Муҳаммадшариф Сўфизода, Абдулла Авлоний, Хислат, Тавалло, Саидаҳмад Сиддиқий Ажзий, Холид Саид Хаёлий, Мулла Қўшоқ Тошмуҳаммад Мискин, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Мирмулло Шермуҳаммад ўғли, Аҳқарий, Ахтарий, Лайлихоним, Ғофил каби ижодкорларнинг таҳририятга йўллаган табриклари, ғазал, мухаммас, мусаддаслари бериладди. Хотима билан якун топади.

Тўплам жадид зиёлилари таъсис этган "Садойи Туркистон" газетаси саҳифаларида эълон қилинган материаллар асосида баёз шаклида тартибланган. Газета ҳам ўз саҳифаларида "Сабзазор" тўплами нашр этилганини хабар берган.

"Сабзазор" бошдан охир миллатга, халққа мурожаатдан, миллий огоҳлик даъватидан иборат.

1906 йилдан нашр этила бошлаган "Тараққий", "Хуршид", "Шуҳрат", "Садойи Туркистон", "Садойи Фарғона", "Ойина" каби нашрлар миллатни уйғотиш учун таъсис этилган эди. Беҳбудий, Абдулла Қодирий, Фитрат, Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхонов, Ҳамза, Тавалло, Сидқий, Чўлпон, Хислат, Ажзий, Васлий, Сўфизода каби кўплаб шоир-ёзувчилар шунинг учун қалам тутдилар. Газета, журналлар нашри йўлга қўйилган бўлса-да, Шарқ шеъриятига хос тазкирачилик, девон тузиш анъаналари ҳам давом этди, шеърий тўпламлар, баёзлар тузиш оммалашди. Шеърий асарларнинг китоб ҳолида нашр этилишида девон анъанасига риоя қилинар экан, шунинг баробарида бу асрий тартиб-қоидаларда ўзгаришлар юз берди. Шунингдек, баёз адабиёти ҳам янги босқичда давом этди, зотан ижодкорларнинг мавзу йўналиши бутунлай янгича эди.

XX аср бошларидаги ўзбек адабиётида тазкирачиликнинг бойиши, баёзу мажмуалар яратилиши ва айни пайтда уларнинг янгиланиши натижасида янги шакл ҳамда мазмунга эга шеърий тўпламлар пайдо бўлди. Баёз юқорида келтирганимиздек, шаклан девон адабиётини такрорлайди: аввал басмала, ҳамд ва наът, сўнг бошқа материалларга ўрин берилади. Аммо мавзуни янгилаш талаби қўйилади: жаҳолат, оналарнинг абгор ҳаёти, миллатни емираётган масалалар, хурофот кечиктириб бўлмас муаммо сифатида кўтарилади. Бунда ўзбек шеърияти ич-ичидан янгилана боргани, мумтоз адабиёт устқурма вазифасини бажарганини тушуниш мумкин. Жадид адабиёти тадқиқотчилари давр адабиёти қардош халқлар адабиёти, рус таржима адабиёти, умуман, ташқи омиллар таъсирида янгиланди, деган хулосаларни яхши кўради. Аммо тизимли таҳлилларнинг кўрсатишича, ўзбек адабиёти, хусусан, шеъриятнинг янгиланишида ички омиллар бирламчи таъсирга эга бўлиб, муайян қонуниятлар мавжуд. Масалан, Авлонийнинг баёзда босилган, диалогга қурилган шеърларида драма ва шеъриятнинг яқинлашув жараёни, турлар ва жанрлар ўртасида синтезлашув бошланганини кўрамиз. "Сабзазор" тўпламидан 47 та шеър ўрин олган бўлиб, баъзилари сарлавҳасиз киритилган. Уларнинг ичида ишқий мавзудаги бирорта шеърни учратмайсиз. Шеърларнинг катта қисми аруз вазнида ёзилган, мумтоз шеъриятнинг ғазал жанридан кенг фойдаланилган. Айрим ҳолларда бармоқ вазнидан ҳам фойдаланилган ўринлар мавжуд.

Жадид адабий мероси кўлами биз тасаввур қилгандан-да кенгроқ. Ҳали олдимизда Абдулла Авлонийнинг "Адабиёт ёхуд миллий шеърлар" (1909), Сидқий Хондайлиқийнинг "Туҳфайи Шавкат" (1913), "Савғоти Шавкат" (1913), "Базми ишрат", Ҳожи Муиннинг "Гулдастаи адабиёт" (1913), Фитрат тартиб берган "Ўзбек ёш шоирлари" (1922) каби китоблар, яқиндагина илмий жамоатчиликка маълум қилинган "Миллий ашъори Таржимон" (1910), "Миллий шеърлар мажмуаси ёхуд адаби дин" (1912), "Янги адабиёт" (1915) сингари мажмуаларни чуқур ўрганиш, жорий ёзувда мукаммал нашрларини яратиш талаби турибди.

Замонавий китоб дунёсидаги бу илк миллий нашрларда халқнинг руҳини уйғотиш бош мақсад қилиб олинган. Мана шу мўъжаз тўпламлар Туркистон халқлари учун бир ёруғлик, нажотдек қабул қилинган. Ёниб турган чўғдек юракларни ўртаган. Кўкрак чўнтакларда, юрак устида сақланган. Тақиқ замонларида шеърлар юракларга кўмилган, китоблар чордоқлару қабристонларга яширилган. Қўрқув остида ер остига кирган бу китоблар ҳали ҳам замин қатларидан садо бериб туради. Шу китобларни яна ўз сўзи, оҳанги, ҳатто суратлари билан халқимизга қайтарсак, юракларга, кўкрак чўнтакларга қайтарсак, деган эзгу ниятимиз бор эди. Шу мақсадда орадан 110 йил ўтиб "Сабзазор" илк бор қайта нашр этилмоқда. Тўплам ёш олимлар жамоаси томонидан ўзигагина хос тил таровати билан жорий ёзувга ўтказилди, изоҳ ва луғатлар билан таъминланди. Яқин кунларда миллат ўқувчилари қўлига, ўз эгаларига етиб бориши кутилмоқда. Илло, мангу ҳақиқатлар ҳуррият ҳамда Ватан бўлиб бизни қуршаб ва доимо ўз кучини кўрсатиб туради.

Шу кунларда Уйғониш маърифати ҳақида кўп сўзланяпти. Бу ахлоқий безаниш, илмларни ўзлаштиришгина эмас. Уйғониш маърифати уйғониш оғриқларига чидам беришдир. Ушбу баёз миллий уйғониш маърифати, миллий оғриқлар ҳақида. Чўлпон 100 йил аввал "Ёзилмоғонми бу тунлар сўнгинда тонг отмоқ?" дея ҳайқирган эди. Тонг отди, аммо бу шеърлар бугун ҳам юрагимизни ёқади, миллий маърифат ва миллий ҳушёрликка даъват этади. Уларнинг ҳеч бири эскирган эмас. Барчаси Ватан йўлидаги мангу ташналик, мангу безовталик ҳақида. Зотан, бу мангу ташналик, бу мангу безовталик биздан ташқарида эмас.

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК

МУАССИС: **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-746.
43927 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 00:20 Топширилди — 00:25